МУСОБАҚАДОШ ПАХТАКОРЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ МАСЛАҲАТЛАРИНИ ТЎЛА АМАЛГА ОШИРАЙЛИК!

Тожикистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Чапаев номли колхознинг Соип Саидов бошлиқ бригадаси ғўзаларини кўздан кечирмоқда.

Г. Муҳамедов фотоси.

Хотиржамлик

УРГАНЧ (**«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбиридан**). Машъал Хоразм области пахтакорлари бу йил пахта майдонларининг гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш, она-Ватанга 300 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Мусобақадош Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг бир группаси ҳозир ана шу юксак мажбуриятни бажариш учун ҳосилга-ҳосил қўшиш юзасидан нима ишлар қилаётгандиклари билан танишмоқдалар.

Бригада аъзолари Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармаси далаларида бўлганларида мўл ҳосил етиштириш йўлида қилинаётган ишларни кўриб хурсанд бўлдилар. Охунбобоев номли колхоз пахтакорларининг меҳнати ҳозирнинг ўзидаёқ яхши натижа берган, ҳар туп ғўзада 8-10 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Колхознинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Онажон Саъдуллаева, шунингдек Олим Аминов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида олинган юксак мажбурият — 45 центнерга яраша ҳосил етиштирилмоқда. Шу бошқармадаги Киров номли, «1 Май», «Ўзбекистон», Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармасидаги Нариманов номли, «Коммуна» колхозлари ва бошқа бир қатор хўжаликларда ҳам мўл ҳосил етиштириш йўлида кўп меҳнат қилиниб, яхши натижага эришилган.

Лекин кўпчилик хўжаликларда «етарли ҳосил тўпладик» деб хотиржамлик кайфиятига берилиб, ғўза парвариши тўхтатиб қўйилган. Янгиариқ бошқармасидаги «Хоразм», «Победа», Карл Маркс номли, «Октябрь 40 йиллиги» ва бошқа бир қатор хўжаликларда ҳали етарли ҳосил тўпланганн йўқ, кўпчилик майдонлардаги ғўза ёш, ҳосили кам, парвариш қилишни талаб этади.

Аммо шунга қарамай, бу хўжаликларда ғўза парваришини давом эттириш ўрнига, экинни қайта-қайта суғориш билан чекланилмоқда. Чопиқ тракторларининг кўпчилиги тўхтатиб қўйилган, натижада ғўза говлаб кетиб, етарли ҳосил олмаётир, кўпчилик пайкалларда бегона ўтлар авж олмоқда. Карл Маркс номли колхознинг Шоназар Сафоев, Рўзим Шарипов, Раҳмон Қиличев ўртоқлар бошлиқ бригадларда ғўзани культивация қилиш аллақачон тўхтатиб қўйилган, ғўза қатор оралари қотиб, заранг бўлиб кетган. Шу туфайли бор ҳосилнинг ҳам бир қисми нобуд бўлмоқда. Бошқарма колхозларида мавжуд 417 чопиқ тракторидан 110 таси ишламаётир.

Ҳазорасп бошқармасидаги «Ўзбекистон», Карл Маркс номли, «Коммунизм» ва бошқа бир қатор хўжаликларда ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Айниқса «Коммунизм» колхози ғўза парваришида жиддий орқада қолмоқда. Юқори ҳосилли ҳисобланган ўртоқ Р. Эшмуродов бошлиқ бригадада ҳар туп ғўзада атиги 3-4 тадангина кўсак бор.

Мусобақадошлар ана шу камчиликларни қайд қилиш билан бирга хоразмлик пахтакорларга мўл ҳосил тўплаш ва олинган социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

ПАХТАКОРЛАРГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ

Республикамиз далаларининг меҳнаткашлари ўзларининг халқ, Ватан, партия олдидаги юксак бурчларини яхши тушуниб, коммунизм дастурхонини мўл-кўл қилиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Улар бу йил мамлакатга 3 миллион 566 минг тонна пахта етказиб бериш билан коммунизм қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшдилар ва қон-қардош халқлар олдидаги буюк интернационал бурчларини адо этган бўладилар.

Ҳозир пахта учун курашнинг энг масъулиятли ва ҳал этувчи пайти келди. Август — мўл ҳосил тўплаш ойи. Худди мана шу ойда ҳар бир колхозчи ва совхоз ишчиси бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишласа, партия ходимлари, ишлаб чиқариш командирлари оммани мўл ҳосил тўплаш учун курашга сафарбар этса, ҳақиқатан ҳам мўлжалдаги ҳосил қўлимизга киради.

Моддий бойликлар яратаётган, энг қимматли хом ашё — пахта етиштириш учун курашаётган колхозчилар, совхоз ишчиларининг турмуши ҳақида, уларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини тўла қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, энг зарурий ва ҳаётий масаладир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республикамиз қишлоқ хўжалик ходимларига қарата қилган Мурожаатида таъкидлаб кўрсатилганидек, юқори ҳосил учун курашнинг муваффақияти ҳал этилаётган ҳозирги пайтда ҳар бир пахтакорга зўр эътибор ва ғамхўрлик қилиб, унинг унумли ишлаши учун бутун шарт-шароитни яратиб бериш керак.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларнинг ва уларга кўрсатиладиган маданий-маиший хизматнинг форма ва усуллари хилма-хилдир. Колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида сиёсий-илмий ва халқаро темаларда лекция, суҳбатлар уюштириш, уларга кино, театр кўрсатиш, радио телевидение эшиттиришларини ташкил этиш қишлоқда олиб бориладиган сиёсий-оммавий ишларнинг таркибий қисмидир. Далаларда савдо хизматини намунали уюштириш, иссиқ овқат ташкил қилиш, болалар боғча ва яслиларининг системали ишлаб туришига эришиш пахтакорлар ҳаётий манфаатларини, кундалик эҳтиёжларини қондириш учун айниқса зарурдир.

Республикамиздаги кўпгина колхоз ва совхозлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда йил сайин катта муваффақиятларга эришаётган экиналар, дастлаввал бунинг боиси шу хўжаликларда меҳнатнинг тўғри ташкил этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш, кишиларни рағбатлантиришнинг яхши қўйилганлиги, одам тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилинаётганлиги, уларнинг баракали ишлашлари учун зарур шароит яратиб берилганлигидир.

Янгийўл, Поп, Қўрғонтепа, Избоскан, Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликларнинг далачилик бригадаларида чиройли, яхшилаб жиҳозланган кўп хонали бинолар бор. Бу бинолар пахтакорларнинг иккинчи уйи ҳисобланади. Уларда махсус ювиладиган, овқатланадиган, дам оладиган хоналар ажратилган. Болалар боғча-яслилари ҳам шу биноларда жойлашган. Дала шийпонлари меҳнаткашларни янги ишларга чорловчи жанговар шиорлар, плакатлар билан безатилган, уларда хўжаликлар тараққиётини, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш перспективасини акс эттирувчи диаграммалар, фотосуратлар, витриналар қўйилган. Дала шийпоналарида кинофильмлар кўрсатилади, шахмат-шашка, газета, журналлар бор. Республика, область театрлари артистлари ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчиларининг иштироки билан концертлар қўйиб берилади.

Агитаторларнинг суҳбатлари деярли ҳар куни ўтказилиб турилади, деворий ва сатирик газеталар, жанговар варақалар чиқарилади. Дала шийпонларида ўтказилаётган тадбирлар бу билан чекланмайди. Илғор тажрибаларни, фан ютуқларини оммалаштириш ва жорий этишда ҳам мана шу маданий ўчоқларнинг роли катта.

Аммо республикамизнинг айрим область ва районларида, чунончи, Бекобод, Норпой, Бухоро, Навоий, Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликларда кишилар ҳақида, уларнинг маданий-маиший эҳтиёжлари тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаяпти, меҳнат аҳлини рағбатлантириш ва руҳлантиришга ёрдам берадиган тадбирлар кенг амалга оширилмаяпти. Ана шу бошқармалардаги айрим раҳбар ходимлар, хўжаликларнинг бошлиқари ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари одамларни ишонтириш методи ўрнига қуруқ маъмуриятчилик қилмоқдалар. Улар ҳадеб кишилардан жон куйдириб унумли ишлашни талаб қиладилар-у, аммо бу кишиларнинг турмуши меҳнат шароити, талаб ва эҳтиёжлари ҳақида чуқур ўйламайдилар. Бинобарин, бундай ходимлар оммानинг ҳис-туйғулари, нималарга қизиқишини яхши билмайдилар.

Партия, совет ходимлари, колхоз-совхозларнинг раҳбарлари ва ишлаб чиқариш бошқармалари командирларининг бурчи доим омма орасида, моддий бойликлар яратилаётган пахта далаларининг меҳнаткашлари ўртасида бўлишдир. Бироқ, шунчаки далаларни айланиб, айрим хўжалик ходимлари билангина умум тарзда сўзлашиб кетишгина кифоя қилмайди. Аксинча, раҳбар ходим ҳар бир колхозчи, совхоз ишчисининг дидини, қандай турмуш кечираётганлиги ва меҳнат қилаётганлигини, хиссиётини, руҳий кечинмаларини, орзу-ҳаваслариии, нималарга интилишни чуқур билиши керак.

Шу кунларда дала шийпоналари пахтакорларнинг чинакам маданий дам оладиган, хордиқ чиқарадиган, сиёсий ва илмий билимларни эгаллашга, илғор иш методларини билиб олишга ёрдам берадиган марказ бўлмоғи керак. Бу ерларда иссиқ овқат уюштирилиши шарт. Болалар боғчалари ва яслилари намунали ишлаши керак, токи ҳар бир она ўз фарзандининг болалар муассасаси қучоғида яхши тарбияланаётганлигидан мамнун бўлсин.

Қишлоқда олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг кўлами бутун чоралар билан кенгайтирилиши, унинг таъсирчанлиги, жанговарлиги оширилиши, ишлаб чиқариш билан мустаҳкам боғланиши керак. Бизнинг агитатор, пропагандистларимиз, лекторларимиз, партия, совет кадрларимиз дала шийпоналарида бўлишлари, ташкилотчилик ишларини кучайтириб, ўткир, жанговар сўзлари билан пахтакорларни янги ишларга руҳлантиришлари керак. Улар омма орасида сиёсий иш олиб боришда КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг тарихий ҳужжатларидан кенг фойдаланишлари ва Пленум қарорларини ҳар бир меҳнаткаш онгига чуқур сингдиришлари лозим.

Республикамиз пахтакорлари мамлакат олдидаги ўз ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлаётган шу кунларда далаларда оммавий-сиёсий, маданий-маиший хизматни ҳар тарафлама яхшилаш энг муҳим вазифадир.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 189 (12.542) | Пайшанба, 15 август 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

ЕМ-ХАШАК МЎЛ БЎЛСИН!

БАЙРОҚ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети августнинг дастлабки ўн кунлигида дағал хашак тайёрлаш ва силос бостиришнинг боришини қараб чиқиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Мичистрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Тошкент областига** беришга қарор қилдилар (қишлоқ область партия комитетининг секретари ўртоқ **Абдураззоқов**, қишлоқ область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шайхов**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармаси бошлигининг вазифасини бажарувчи ўртоқ **Молчанов**), бу область дағал хашак тайёрлаш йиллик планини 67 процент силос бостириш планини 42.6 процент бажарди ва ўн кунликда планга нисбатан 8,9 процент дағал хашак тайёрлашга, 19.5 процент силос бостиришга эришди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Тошкент областидаги **Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига** берилди (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Ли**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Тоиров**), бу бошқарма дағал хашак тайёрлаш йиллик планини 60,8 процент, силос бостириш планини 88.6 процент бажарди ва ўн кунликда планга нисбатан 15,9 процент хашак тайёрлашга, 24,8 процент силос бостиришга эришди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Сурхондарё областидаги **Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармасига** берилди (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Миланов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳаққулов**) бу бошқарма дағал хашак тайёрлаш йиллик планини 58,6 процент, силос бостириш планини 65,7 процент бажарди ва ўн кунликда планга нисбатан 11.6 процент дағал хашак тайёрлашга, 27,6 процент силос бостиришга эришди.

Сурхондарё областидаги **Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармаси** (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Караульних**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Спрожиддинов**), Тошкент областидаги **Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси** (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Қодиров**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Ладушкин**), Бухоро областидаги **Вобкент ишлаб чиқариш бошқармаси** (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Рустамов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Орипов**)нинг дағал хашак тайёрлаш ва силос бостиришда яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Дағал хашак тайёрлаш ва силос бостиришда юқори кўрсаткичга эришган механизаторларни, совхозларнинг ишчиларини ва колхозчиларни мукофотлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш Тошкент область бошқармасига 500 сўм, Оққўрғон ва Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармаларига 200 сўмдан пул ажратилди.

15 МИЛЛИОН ПУД УЧУН

ҲАМ ДОН, ҲАМ ОЗУҚА

«Кўкчала» совхози фақат Яккабоғ районидагина эмас, балки Қашқадарё воҳасида ҳам йирик галлакор хўжалик ҳисобланади. Совхознинг 13492 гектардан ортиқ ғалазори бор. Баҳорнинг серёғин келиши натижасида қирларда ғалладан мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирилди.

Ўрим-йиғимга ҳам зўр уюшқоқлик билан киришилди. 18 та ўзи юрар комбайн, 17 та «С-6» комбайнлари икки сменада ишлади. Натижада совхоз ғалла тайёрлаш йиллик планини қисқа муддатда ошиги билан бажарди.

Совхоз ғаллакорлари даладаги қолган ҳосилни охирги граммигача йиғиштириб олиш билан бирга, ерларни кузги дон экишга тайёрлаш, чорва моллар учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш тадбирларини кўрмоқдалар. Даладаги сомонни йиғиштириб олишга 22 автотележка, 6 автомашина, 30 арава сафарбар этилган.

Совхозда бу йил уч йилга етадиган миқдорда ем-хашак тайёрлаш учун барча имкониятлар бор. Чорвадорлар ва ғаллакорлар ана шу имкониятлардан яхши фойдаланмоқдалар. Даладаги сомон пешма-пеш йиғиштириб олиниб, ғарам қилинмоқда.

Шу кунларда ҳам яйловлардаги каррак, шувоқ ва бошқа гиёҳларни ўриш қизғин бормоқда.

Қ. НОРОВ.

АТМОСФЕРАДА, КОСМИК ФАЗОДА ВА СУВ ОСТИДА ЯДРО ҚУРОЛИ СИНОВЛАРИНИ ТАҚИҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ БОШҚА ДАВЛАТЛАРНИНГ ИМЗОЛАГАНЛИГИ ҲАҚИДА

АХБОРОТ

Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартномани Москвада имзолаш 13 августда давом этди.

Шартномани ўз ҳукуматлари номидан қуйидагилар имзолади:

Ироқ Республикасининг СССРдаги элчиси Файсал Х. Хайзаран

Яман Араб Республикасининг СССРдаги элчиси Али Сайф Алхавлоний

Тунис Республикасининг СССРдаги элчиси Фатхи Зуҳир

Ямайка вакил қилган, Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси сэр Хэмфри Тревельян

Тринидад ва Тобаго вакил қилган сэр Хэмфри Тревельян

Ливан Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Н. Файяд

Сурия Араб Республикасининг СССРдаги элчиси Жавдат Отаси.

Давлатларнинг вакиллари қисқа нутқлар сўзлаб, ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартноманинг катта аҳамияти борлигини қайд қилдилар.

Шартномани имзолаш вақтида СССР Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Б. Ф. Подцероб, СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлимларининг мудирлари, шунингдек совет ва чет эл матбуоти, радиосининг вакиллари ҳозир бўлишди.

Москвада 13 августга қадар Шартномани 44 мамлакатнинг вакиллари имзолади.

Бошқа давлатларнинг Шартномани имзолаши бундан кейинги кунларда давом этади. (ТАСС).

СИЛОС БОСТИРИШНИ ТЕЗЛАШТИРАЙЛИК

ЧОРВАЧИЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

<> <>

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети августни ем-хашак тайёрлаш ойлиги деб эълон қилдилар. Моллар учун энг тўйимли озуқа бўлган силоснинг кўп қисми августда бостирилади. Чунки маккажўхори ва оқжўхори сўтаси асосан шу ойда думбул бўлади.

Илғор чорвадорлар ойликни яхши ўтказиш учун социалистик мусобақани тобора кучайтириб, маккажўхори ўришда, силос бостиришда яхши натижаларга эришмоқдалар. Тошкент областининг, Оққўрғон, Шаҳрисабз, Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармаларининг хўжаликлари силос бостиришда олдинда бормоқдалар. Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларнинг чорвадорлари бу йил тайёрланиши лозим бўлган силоснинг ярмисидан кўпроғини бостириб қўйдилар.

Республикамизда маккажўхори 200 минг гектардан кўпроқ майдонни эгаллаб турибди. Бу қимматли эниннинг думбул сўтасидан 4 миллион тоннадан ортиқ силос бостириш мажбурияти олинган. Буни муваффақиятли бажариш учун ҳамма имкониятлар бор. Маккажўхорикорларнинг фидокорона меҳнати туфайли маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирилди, техника ва ишчи кучлари етарли.

Лекин кўпгина колхоз ва совхозларда бу имкониятлардан етарли фойдаланилмаётир. Вақтинг ўтиб бораётганлигига қарамай, техника тўла ишга солинмаётир. Колхоз ва совхозлардаги мавжуд 2186 та маккажўхори ўриш комбайнидан 10 августгача фақат 1600 таси ремонтдан чиқарилди.

Бу машиналарнинг ҳам бир қисми бекор турибди. Шу сабабли силос бостириш оқаға сурилмоқда. Шўрчи, Кегайли, Ғиждувон ва Қува ишлаб чиқариш бошқармаларида силос бостириш айниқса ёмон ташкил этилган. Бу бошқармаларнинг, бошқарма партия комитетларининг раҳбарлари, кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари моллар учун тўйимли озуқа тайёрлашнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаётирлар. Улар бу ишга бюрократларча муносабатда бўлаётганликлари туфайли силос бостириш плани жуда оз миқдорда, чунончи Кегайли районида бор-йўғи 1,6 процент бажарилди.

Маккажўхори силоси бостиришда ҳозирги кунгинг ҳар бир соати ғанимат. Тажриба шуни кўрсатдики, маккажўхори вақтида ўрилмасдан далада узоқ туриб қолса, озуқалик кимматини кўп йўқотади, қотиб кетган поя ва сўтадан яхши силос бўлмайди. Колхозларнинг ва совхозларнинг раҳбарлари яхши силос бостирилишига эришиш учун аввало маккажўхори ўришни жадаллаштиришлари, шу мақсадда барча ўрим-йиғим техникасини ишга солиб, улардан кеча-кундуз унумли фойдаланилишига эришишлари, ташиш ишларини тўғри уюштиришлари, ем-хашак тайёрлаш бригадалари аъзоларининг унумли ишлашлари учун ҳамма зарур шарт-шароитни яратиб беришлари керак.

Силосни ўз вақтида, агротехника асосларида бостириш керак. Чуқурлар кўппояга ва думбул сўтага вақтида тўлдирилмаса, орасига кўп ҳаво кириб қолиб силосни бузади. Бунга йўл қўймаслик учун силос иншоотларини маккажўхорининг кўкпояси ва думбул сўтасига бир неча-кундуз давомида тўлдириш, буни кўзда тутиб силос бостирувчиларнинг ишини уч сменада ташкил этиш лозим. Кўкпоя ва сўтани чуқурларга тўкишдан олдин уни ўтган йилги силос қолдиқларидан албатта яхшилаб тозалаш, тешикларини шуваб ташлаш, силосни қаттиқ шиббалаш шарт.

Халқ ва давлат манфаати моллар учун тўйимли озуқани мумкин қадар кўпроқ жамғаришни талаб этади. Шунинг учун ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетларининг раҳбарлари ҳар бир колхоз ва совхозда тўйимли озуқа тайёрлаш юзасидан олинган мажбуриятнинг тўла бажарилишига эришишлари зарур.

Ўрта Осиё республикалари колхоз ва совхозларида дағал хашак тайёрлаш ва силос бостиришнинг бориши тўғрисида 1963 йил 10 августга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Республикалар	Дағал хашак тайёрлаш	Силос бостириш
Ўзбекистон	39	26
Қирғизистон	50	11
Тожикистон	23	22
Туркманистон	15	17
Ўрта Осиё бўйича жами	37	20

ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

САМАРҚАНД. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Чимбойобод» колхози бу йил гектаридан 33 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган. Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган колхоз аъзолари ваъдаларига яраша ишламоқдалар. Ҳамма ердаги ғўза серҳосил бўлиб ривожланмоқда. Айрим бригада ва участкаларда ҳозир ҳар туп ғўзада 10-12 тадан кўсак санаш мумкин. Нурулла Асамов, Мустафо Ниёзов ўртоқлар бошлиқ 40 центнерчи бригадалар даласидаги ғўза тупларида ундан ҳам кўп кўсак гул ва тугунчалар бор.

Бу машъал хўжаликда машина теримига ҳам пухта тайёргарлик кўриляпти. Ҳосил машинада теріладиган 800 гектар ердаги ғўза алоҳида парвариш қилинмоқда. Бу майдон 24 механик-ҳайдовчига бириктиб қўйилган. Қардош Туркманистон ССР пахтакорларининг Оржоникидзеобод район ижроия комитети раиси ўртоқ И. Тошмуҳамедов раҳбарлик қилаётган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари «Чимбойобод» колхозининг мўл ҳосил учун курашдаги бу тажрибасини синчиклаб ўргандилар. Ҳар бир шонани гулга ва гулни кўсакка айлантириш мақсадида ғўза чуқур эгатлардан қондириб суғорилаётганлиги меҳмонларга манзур бўлди.

Мусобақадошлар Карл Маркс номли Калинин номли ва бошқа колхозларнинг илғор бригадаларида ғўза парвариши сифатли олиб борилаётганини кўриб қувондилар. Шу билан бирга қардошлар мўл ҳосил учун жиддий қайғурмаётган баъзи колхозлар ва бригадалар ҳам борлигини кўриб афсусландилар, жиддий эътирозлар билдирдилар. Бошқармадаги «Москва», «Ўзбекистон», «Комсомол», «Коммунизм». Ленин номли колхозларда ғўза парвариши бўшаштириб юборилган, культиваторлар ғўза парваришига тўла сафарбар этилмаган.

«Москва» колхозида ишга яроқли кучларнинг талай қисми дала кшларига қатнашмаётир. Колхознинг Араб Бердиев бошлиқ бригадасида ғўза парваришига графикдаги 70 ўрнига фақат 21 киши қатнашаётир. Уларнинг баъзилари нормани бажармайди.

Бошқарма колхоз ва совхозлари шу кунларда 20 кубометрдан кўпроқ сув олиб турибди. Бу сув билан кам деганда 1200-1300 гектар ердаги ғўзани суғориш мумкин. Бироқ, амалда бу график бажарилмаётир. Кўпчилик колхозларда сувдан фойдаланиш ёмон. Меҳмонлар бу соҳадаги жиддий нуқсонларни аниқладилар. «Коммунизм» колхозида кейинги беш кунликда 570 гектар ўрнига 280 гектар, Ленин номли колхозда 630 гектар ўрнига 309 гектар ер суғорилган.

«Правда», Ленин номли колхозларда суғорилган участкалар ҳам ўз вақтида культивация қилинмай, тупроқ қотириб юборилянти. Тожик пахтакорлари «Пастдарғом» колхозида чорвачилик учун ем-хашак тайёрлаш масалсаи билан қизиқдилар. Маккажўхори ва силос бостириш кечиктирилаётганини таъкидлаб ўтдилар. Айрим жойларда хашак тайёрлаш учун бригадалар тузилмаган.

Мусобақадошлар областнинг Иштихон ва Пойариқ ишлаб чиқариш бошқармаларидаги кўпчилик хўжаликларда бўлиб, пахта учун курашдаги тажрибаларини ўртоқлашдилар ва камчиликларни аниқлаб, уларни тугатиш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар.

Л. ЭРГАШЕВ.

БОЛГАРИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

МОСКВА, 14 август. (ТАСС). Болгария Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси бугун Москвага келди. Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Тодор Живков делегацияга бошчилик қилмоқда.

Делегация 15 августда «Болгария социализм қурмоқда» деган миллий виставкани очиш маросимида қатнашади.

Болгария Халқ Республикаси ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Ф. Устинов ва бошқалар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Болгариянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Любен Н. Герасимов, Болгария элчихонасининг дипломатик ходимлари, СССРдаги дипломатик вакилликларнинг бошлиқлари бор эди.

Аэродромда Л. И. Брежнев ва Тодор Живков дўстона нутқ сўзладилар.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ УЧУН

13 августда Тошкентда Ўзбекистон ихтирочилари ва рационализаторларининг биринчи съезди бўлиб ўтди. Саноат ишлаб чиқариш ва қурилиш новаторлари 40 минг кишилик армиясининг вакиллари республиканинг ҳамма томонидан ўз форумларига тўпландилар. Бу новаторлар армияси Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг бир минг бошланғич ташкилотига бирлашгандир.

Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Ўзбекистон советининг раиси У. А. Каримов республика советининг иши ва жамият ташкилотларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан кишилар республика корхоналарида ва қурилишларида неча минглаб новаторлар техникани тараққий эттириш учун қурашда актив қатнашаётганликларини таъкидлаб ўтдилар. Улар КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларига амал қилиб, ўзларининг бутун ташаббусини меҳнат унумдорлигини оширишга, чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга ва унинг таннархини камайтиришга, ҳом ашё ва материалларни тежашга қаратаётирлар.

Ўзбекистон ихтирочилари ва рационализаторлари олти йил ичида ўзларининг Етти йиллик номли 150 миллион сўмлик фондини вужудга келтириш учун зўр бериб кураш олиб бормоқдалар. Ўтган тўрт ярим йил мобайнида ишчилар, инженерлар, техниклардан юз мингга яқин киши ижодий ишда қатнашди. 98 минг ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасида давлат юз миллион сўмдан кўпроқ тежам олди.

Ихтирочилар ва рационализаторларнинг съезди Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника тараққиётини кучайтиришга, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг тарихий қарорларини муваффақиятли бажаришга қаратилган қарор қабул қилди.

Ихтирочилар ва рационализаторлар биринчи съездининг қатнашчилари Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти республика советининг янги составини сайладилар. У. А. Каримов республика советининг раиси қилиб сайланди. (ЎзТАГ).

А. Степаньянц Тошкент тепловоз депосининг илғор ишчиларидан. У локомотив узеллари учун деталларни механик ишловдан сифатли чиқариб, смена топшириқларини 115-120 процент бажаришга муваффақ бўлмоқда. Ўртоқ А. Степаньянц локомотив моторининг қандай ремонт қилинганлигини кўздан кечирмоқда (юқорида). Янгийўл пойафзал фабрикаси коллективи Одил Османов ва Илёс Баҳодиров сингари забардаст ишчилари билан фахрланади. Улар смена нормаларини камида 120-130 процент бажариб, етти йилликнинг бешинчи йили топшириғини муддатидан илгари адо этиш учун бошланган мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Пастдаги суратда (чапдан) илғор ишчилардан О. Османов ва И. Баҳодиров ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотолари.

МАДАНИЯТ ЎЧОҚЛАРИ — ТАРБИЯ МАКТАБИ

Колхозимиз хўжалиги йилдан-йилга ривожланиб бормоқда, пахта ҳосилдорлиги тобора ошяпти. Ўтган йили ҳар гектар ердан олинган ҳосил бундан аввалги йилдагига қараганда 2-3 центнер ошди. Чорвачилик, боғдорчилик ва хўжаликнинг бошқа соҳалари ҳам яхши ривожланиб, тобора кўпроқ даромад келтирмоқда. Шу нарса ҳам кўзга яққол ташланадики, биз кейинги бир неча йил мобайнида колхоз қишлоғини бош план асосида қайта қуришга эришдик. Илгари бўм-бўш ётадиган ўйдим-чуқур ерларда колхоз шаҳарчаси бунёдга келди. Хуллас, хўжалигимиз ҳамма соҳада олға илдам қадам ташлаяпти, деб бемалол айта оламиз.

Бу ютуқларга эришишимиздаги асосий омил — колхозда хўжалик ва дала ишлари оммавий-сиёсий ишлар билан чамбарчас қўшиб олиб борилиши бўлди. Халқимизда қарс икки қўлдан чиқади дейдилар. Худди шунинг каби қишлоқ хўжалик ишлари ҳам маданий оммавий ишлар билан чамбарчас қўшиб олиб борилиши лозим.

Ҳамма ишни одамлар ҳал қилади. Шундай экан, одамларни янги меҳнат зафарларига ундаш учун сиёсий агитация ва маданий-оммавий ишлар биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Колхоз партия ташкилоти колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кенг йўлга қўйишга асосий эътиборини қаратмоқда. Бунда колхоз партия ташкилоти радио, лекция ва суҳбатлар ва бошқа барча воситалардан унумли фойдаланаётир. Колхознинг барча бригадаларидаги дала шийпонлари турли шиорлар, плакатлар билан шинам қилиб, безатилди. Бу ерлардаги бежирим қилиб ишланган алвонларда колхозчиларни унумли меҳнат қилишга чорловчи шиорлар ҳамда колхоз меҳнаткашларининг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги мажбуриятларини ўқиш мумкин. Кишиларнинг қалбларига етиб борадиган бу сўзлар колхоз меҳнаткашларини меҳнатда янги муваффақиятларга ундайди.

Колхозимиздаги барча хонадон радиолаштирилган. Шу сабабли радио меҳнаткашлар орасида агитация-пропаганда ишларини олиб боришда яхши хизмат қилаётир. Радиоузел орқали колхоз янгиликлари, дала ишларининг бориши доимий суратда эшиттириб борилади, ҳамда турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади.

Меҳнаткашлар орасида маданий-оқартув ишларини олиб боришда қишлоқ зиёлилари ҳам ажойиб иш олиб боришяпти. Колхозимиздан етишиб чиққан ўндан ортиқ олий маълумотли мутахассисларимиз бор. «Правда» мактабининг директори Рахим Каримов, қишлоқ касалхонасининг бош врачи Шодмон Худойберганова, ўқитувчилардан Сафо Раззоқов, Ражаб Ўринов ва бошқалар ишдан бўш вақтларида доим меҳнаткашлар орасида бўлишиб, турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказишади.

Колхоз хўжалигининг ўсиши, олинаётган даромаднинг ошиши билан янгидан-янги маданий-оммавий муассасалар қурилиб, уларнинг иши яхшиланмоқда. Ўтган йили 500 кишилик ёзги клуб қурилиб ишга туширилди. Бу эса меҳнаткашларга кино хизматн кўрсатишни кескин яхшилаш имконини берди. Колхозимиздаги мавжуд 3 кутубхона ҳам яхши жиҳозлантирилди.

Қишлоқ меҳнаткашларига медицина хизмати кўрсатиш ҳам тобора яхшиланмоқда. Қишлоғимизда 25 ўринли касалхона бор эди, яқинда ундаги ўринлар сони 50 га етказилди. 10 ўринли янги туғруқхона биноси қурилди. Еш мутахассис Ражаб Собиров мудир бўлган дорихона ҳам меҳнаткашларга яхши хизмат кўрсатаётир.

Колхозчиларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда ҳам бирмунча ишлар қилинди. Колхозчилар далада иссиқ овқат билан таъминланадилар. Қишлоқда меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатадиган устахоналар ишлаб турибди. Бу йил колхоз маданий муассасаларини янада кенгайтириш, 500 кишилик қишки клуб ва дам олиш уйи, ҳаммом қуриш ниятидамиз.

Хуллас, колхозимиздаги маданий-оқартув муассасаларининг бутун фаолияти колхоз хўжалигини янада ривожлантириш, меҳнатда янгидан-янги ютуқларга эришишга қаратилган. Бу хўжалигимиз тараққиётида катта роль ўйнаяпти.

Б. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Правда» колхозининг раиси.

Х. БОБОЖОНОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

ИЖОДКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Қишлоқ хўжалигимиз учун кўплаб трактор ва ўзи юрар шассилар етказиб бераётган Тошкент трактор-йиғув заводида рационализаторлик ва ихтирочиликка катта эътибор беришади. Йил бошидан бери тўпланган 170 та рационализаторлик таклифидан 88 таси ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида завод 84,243 сўм маблағни тежаб қолишга эришди.

Бош инженер Г. Симашов ва инструментлар склади бошлиғи Р. Рейдер ўртоқларнинг таклифи натижасида бир қиррали фреза беш қиррали фреза билан алмаштирилиб ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу фреза илгаригига қараганда анча чидамли бўлиб чиқди. Фреза тишлари аввалгидагидек пайвандланмасдан, балки винт ёрдамида маҳкамланадиган қилинди. Бу эса машинанинг ишлаш қобилиятини 4-5 баробар оширишга ёрдам берди, давлатга йилига 7.119 сўм тежам келтиради.

Фрезировкачи Ф. Свердлов ва механика-йиғув цехининг участка мастери Рихсиной Зокировнинг яқинда ишлаб чиқаришга жорий этилган таклифлари эса йилига 2.506 сўм маблағни иқтисод қилиб қолишга ёрдам бермоқда. Корхонада бундай техника шинавандалари кун сайин ортиб бормоқда. Бунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаймоқда, сифати яхшиланмоқда.

Н. ИРИСОВ,
Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ.
«Қизил Ўзбекистон» мухбирлар постининг аъзолари.

Қизил Ўзбекистон да босилгандан кейинги

«МАЪРИФАТ ДАРГОҲИДАГИ ДОҒУЛИ»

«Қизил Ўзбекистон»нинг 1 август сонида шу сарлавҳа остида босилган фельетонда Бекобод шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири Эргаш Маҳкамовнинг совет педагоги деган шарафли номга ноғор келтирадиган хатти-ҳаракатлари фош этилган эди. Фельетонда келтирилган фактлар текшириш вақтида тўла тасдиқланди. Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ҳусниддинов қуйидагиларни хабар қилади:

Жиноятқорона хатти-ҳаракатларн учун, ўз мансабини суиистеъмол қилиб, ножўя ишларга йўл қўйганлиги учун Эргаш Маҳкамов ишдан олиб ташланди ва партия сафидан чиқарилди.

Э. Маҳкамов устидан тушган аризани юзаки текширганликлари учун Бекобод район прокурорининг собиқ ёрдамчиси, ҳозир шу прокуратурада терговчи бўлиб ишлаётган Ҳакимов қаттиқ огоҳлантирилди. Бекобод район маданият бўлимининг собиқ мудири, ҳозир Бекобод босмахонасининг директори вазифасида ишлаётган Мансуров огоҳлантирилди.

Э. Маҳкамовга қонунсиз пенсия тайинлаган Бекобод шаҳар социал таъминот бўлимининг мудири Шокиров масаласи у меҳнат отпускасидан қайтганидан сўнг шаҳар партия бюросида ҳал қилинади.

●

Бухоро Давлат педагогика институти илмий ишлар бўйича проректори Н. Пак ва институт партия бюросининг секретари Р. Холмуродов ўртоқлар редакцияга қуйидагиларни маълум қилдилар:

Ўтказилган текшириш натижасида фельетонда Ё. Кизбаев тўғрисида келтирилган фактлар тасдиқланди. Э. Маҳкамовга қалбаки диплом берганн ва унинг айбларини бекитгани учун Ё. Кизбаев партия бюроси составидан чиқарилди ва унга қаттиқ партиявий жазо берилди. Шунингдек Ё. Кизбаев институтнинг сиртқи таълим бўйича проректори вазифасидан бўшатилди.

«ЙЎЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР»

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министри вазифасини бажарувчи ўртоқ П. Бобохонов «Қизил Ўзбекистон» газетасининг шу йил 11 июль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада келтирилган фактлар мутлақо тўғри эканлигини, бу камчиликлар тугатилаётганини редакцияга маълум қилди. Самарқанд шаҳридан Нурота районига қадар 138 километр узунликда магистрал йўл бор. Шундан 28 километри ремонт қилинди. Яқин орада йўлларни яхшилаш юзасидан ҳам амалий иш олиб борилмоқда. Министрлик мақола юзасидан яна бир қатор оператив тадбирлар белгилади.

ЖАМОАТЧИЛИК — КАТТА КУЧ

Июнь Пленуми қарорларини амалга оширамиз!

Ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик жамиятнинг актив қурувчиси қилиб тарбиялаш, уларда энг яхши инсоний фазилатларни шакллантириш ва камол топтиришда мактаблар катта роль ўйнайди. Мактабда ўқувчи фан асосларини ўрганади, унинг дунёқараши шаклланади, ижтимоий фаолиятга тайёрланади. Шунинг учун ҳам мактаблар иши партиявий ишнинг муҳим соҳаси бўлиб, бутун жамоатчиликнинг диққат-эътиборида туради

Ёш авлоднинг тарбиясига бўлган масъулиятимизни сезган ҳолда ўз фаолиятимизнинг кўп қисмини бу соҳага ажратмоқдамиз. Бунда ўқитувчиларнинг кўп сонли отрядига таяниб иш кўряпмиз. Айниқса, шаҳар партия комитети ҳузурида штатсиз мактаблар бўлими ташкил этилгандан кейин ёш авлод тарбияси билан чуқур шуғулланиш имконияти туғилди. Кейинчалик бу бўлим идеология комиссиясининг секциясига айлантирилди.

Мактаблар секцияси 7 кишидан иборат. Улар орасида халқ маорифи соҳасида кўп йиллар ишлаб бой тажриба орттирган ўқитувчилар, актив жамоатчилар бор. Секцияга шаҳар партия комитетининг аъзоси, мактаб директори С. В. Вдовкина бошчилик қилади. Ишчан, қобилиятли ташкилотчи бу аёл секция аъзоларининг эътиборини халқ маорифининг муҳим масалаларини ҳал қилишга қаратмоқда. Жумладан, мактаблар фаолиятида муҳим масала бўлган ишлаб чиқариш таълими, методик иш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ёшларга билим бериш сингари тадбирларга алоҳида ўрин берилди.

1961—62 ўқув йилида шаҳар халқ маорифи бўлимининг фаолиятида, айниқса инспекторлар билан ишлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилган эди. Талабчанлик йўқлигидан бир йил мобайнида атиги учтагина мактаб текширилган эди. Бу текширишлар ҳам расмият учунгина, юзаки ўтказилганидан ўша мактабларнинг ўқувтарбия ишларини яхшилашда таъсир кўрсатмади.

Шунингдек шаҳар халқ маорифи бўлими ҳузуридаги методик кабинет иши ҳам ўз қолига ташлаб қўйилган эди. Кабинет ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва ёйишда бирор иш қилмади. Мактаблардаги секциялар ҳам ёмон ишлади. Секция аъзолари бу камчиликларнинг сабабларини ўрганиб чиқиб ҳамма гап шаҳар маориф бўлими ўз фаолиятида жамоатчиликка таяниб иш кўрмаётганлигида деб билди. Бу ерда лоақал битта ҳам штатсиз ходим бўлмаган. Ўқитувчилар инспекторлик ишларига жалб этилмаган.

Секция аъзолари халқ маорифи бўлимининг ишини яхшилашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқди ва уни шаҳар партия комитетининг бюро мажлисига киритди. Бюро бу таклифларни маъқуллади. Ўтган ўқув йилида халқ маорифи бўлими секциясининг тавсияси билан штатсиз инспекторлар ва методистлар составини танлади.

Штатсиз ходимлар ёрдами билан халқ маорифи бўлими ўз фаолиятини анча яхшилади. Ўтган ўқув йилида мактабларда ўқувтарбия ишларининг қандай йўлга қўйилишини текширишга бағишлаб ўтказилган тадбирлар мактабларда рус тили ва адабиёти, физика ва математика, чет тилидан ўқувчиларга малакали дарс берилишини таъминлади.

Халқ маорифи бўлими ҳузурида жамоатчилик асосларида бошланғич синф ўқитувчилари учун ашула дарси, чизмачилик, физкультура ва меҳнат дарслари юзасидан доимий ишлайдиган семинарлар ташкил этилди. Мактаблар ҳузурида дарсларни ўзаро текшириш мунтазам йўлга қўйилди. Айрим мактаблар ва ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш, пионер ташкилотининг мустақил иш олиб бориш қобилиятини кучайтиришда синф раҳбарининг роли ва бошқа масалалар юзасидан конференциялар ўтказилди.

Шаҳар партия комитетининг идеология комиссияси мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш, оила ва жамоатчиликнинг бола тарбиясидаги иштирокини кучайтириш юзасидан катта иш олиб бормоқда. Шаҳар партия комитети ҳузурида мактаб директорлари ва ота-оналар комитетлари раислларининг семинар кенгаши ўтказилиб, унда ўқитувчилар коллективларининг ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш тажрибаси умумлаштирилди. Мактаблар секциясининг ташаббуси билан шаҳар партия комитети ўз болаларининг тарбияси билан яхши шуғулланмаётган ота-оналар билан йиғилиш ўтказди. Улар билан ўтказилган суҳбатда болаларнинг ота-оналари хизмат қилаётган коллективларнинг раҳбарлари ҳам қатнашди. Бу ва бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши бола тарбияси билан бутун жамоатчиликнинг шуғулланишига олиб келмоқда.

Шаҳар партия комитети педагог кадрларни ғоявий жиҳатдан чиниқтиришга катта эътибор бермоқда. Шаҳримизда ўқитувчиларга сиёсий билим бериш мақсадида турли проблемаларга бағишланган семинарлар ташкил этилди. Ўқитувчилар коммунистик тарбия асослари курсини тўла ўтганларидан сўнг илмий атеизм асосларини ўрганишга киришдилар. Янги ўқув йилидан бошлаб улар ахлоқ ва эстетика масалаларини ўрганадилар.

Ўқитувчиларни ғоявий-сиёсий чиниқтиришда мактабларнинг бошланғич партия ташкилотлари катта роль ўйнамоқда. Ҳозирги вақтда ҳамма мактабларда партия ташкилотлари бор. Шаҳар партия комитети уларнинг мактаб фаолиятига таъсирини кучайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Шу мақсадда идеология бўлимининг ходимлари мактабларда партиявий ишнинг қандай йўлга қўйилганлигини доимо текшириб турадилар. Шаҳар мактабларида мактаб партия ташкилотлари секретарларининг семинарларини ўтказиш одат тусига кириб қолди. Семинарларда ўзаро тажриба алмашинади, партиявий ишнинг муҳим масалалари муҳокама қилинади.

Мактаб партия ташкилотлари ўқув-тарбия ишларининг ҳамма процесслари билан қизиқиб, бу соҳада педагогика коллективларига малакали ёрдам бермоқдалар. Улар бутун педагогика коллективини ва ҳар бир ўқитувчини доимо изланиш, ижодий ишлашга ўргатмоқда.

Шаҳар мактабларида ўқувчиларнинг ўзлаштириши йил сайин яхшиланмоқда. Ўқитувчилар дарс беришнинг энг яхши методларини ўрганмоқдалар ва ўз ишларида жорий этмоқдалар. Бизда ўз ишининг моҳир усталари, машъалари бор. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи В. А. Шевернадзе директорлик қилаётган Луначарский номли мактаб бунга мисол бўла олади. Бу мактабда болаларнинг иккинчи йилга қолиш ҳоллари деярли тугатилган. Синфларнинг кўпчилигида ўзлаштириш 100 процент бўлди.

Бироқ шу билан бирга халқ маорифига раҳбарлик қилишда камчилик ва нуқсонларимиз борлигидан кўз юмолмаймиз. Бундан буён ишлаб чиқариш таълимини йўлга қўйиш, ишчи ёшларга кечки таълим бериш, мактабларда тарбиявий ишни янада юксак савияга кўтаришда алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Шаҳар партия комитети кенг жамоатчиликка таянган ҳолда ана шу соҳадаги ишларни тубдан яхшилайди ҳамда ёш авлодни коммунизм руҳида тарбиялашда ўқитувчиларнинг ролини кучайтиради.

А. АҲМЕДОВА.
Термиз шаҳар партия комитетининг секретари.

Хатлардан сатрлар

Давлатга 1300 тонна олма сотиш мажбуриятини олган Сурхондарё область Яккабоғ район боғдорчилик совхозлари шу кунгача 1026 тонна олма сотдилар. 15 августгача мажбуриятни ҳам ортиғи билан бажаришади.

Ҳ. ТУРДИЕВ.

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистондаги маданият уйлари, колхоз, совхоз ва саноат корхоналари кутубхоначиларининг бир ойлик семинари ўтказилди.

Т. УЗОҚОВ.

Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхозда қишлоқ хўжалик машиналари учун бостирма қурилди.

Н. УРОҚБОЕВ.

Уч процентли ички ютуқ заёмига олтиариқлик Мария Лимга 1000 сўм, Б. Йўлдошевга 500 сўм ютуқ чиқди.

Ж. ОЛЛОБЕРГАНОВ.

МЕҲНАТИНГ — ЗЕБУ ЗИЙНАТИНГ

Замонамиз қаҳрамонлари

— Мунисимизга пилладан грамм-граммлаб ипак олиш ҳамкасбларининг истак-орзуларини рўёбга чиқариш, ойладаги ларга меҳр-муҳаббат — ҳаммаси баб-баравар, бирдек, бир тарзда муҳим. Мунисимиз шунақа. Уни билиб Олий Совет депутатлигига сайлаганмизда, ука, — Комбинатдагилар Мунисинг иши, жамоатчилик фаолияти ҳақида шундай дейишди.

Дарё сувини баҳор тоширади, одам қадрини меҳнат оширади. Мунисхон Тешабоева ҳам меҳнатдан қадр топган аёллардан. У ҳамиша бошқаларнинг дилидагини кўзлаб иш тутади.

Мана, бугун душанба. Шаҳар Советидаги хоналардан бирининг эшиги ланг очиқ. Тўрда турган столда Мунисхон ўлтирипти. Ҳафтанинг шу куни бу хона гавжум бўлади. Узоқ-яқиндан орзуларини дилларига тугиб кишилар келишади, депутат ҳузурида бўлишади. Унга юракларини очишади. Мунисхон эса икки оғиз ширин сўз билан уларга далда беради. Иложини топса, ўша ондаёқ ёрдам беради. Севинтириб, кўнглини тоғдек кўтариб хайрлашади.

Марғилоннинг Тошкесар маҳаллаасида турувчи кексаларнинг чойхона ва унинг ёнида новвойхона очиш ҳақидаги талабларининг тезда рўёбга чиқишини айтмайсизми? Мунисхон ишга киришди-ю, Тошкесарда шинам чойхона қурилди. У ерда юмшоқ, иссиқ нон ҳамиша мўйиё. Шаҳарда поликлиника кенгайтириляпти, хирургия бўлими учун бино қуриляпти. 280 бола учун боғча қурилиши бошланмоқда. Марғилоннинг Киров кўчасида таксамотор парки қурилиши планлаштирилди.

Биз комбинатнинг биринчи пилдакашлик фабрикасида Маҳкам Содиқовни учратдик.

— Барака топгур зап аёлда. Ҳамма нарсага улгуради, ҳамма нарсага қизиқади, ҳар ишнинг бошида турғиси келади. Билганларини аямасдан бошқаларга ўргатади, ўзи ҳам ўрганади, «каттаман» деб турмайди.

Цех бошлиғи, инженер Маҳкам Содиқов Мунисхон ишлаб турган 19-коммунистик меҳнат сериясидаги ишларни таърифлаб берди.

— Серияда, — деди инженер, — ўн зафарчи, 10 моталчи, 4 ип уловчи ёрдамчи мастер бошчилигида ишлашди. Уларга 20 станок биркитиб қўйилган. Амалда нормага мувофиқ, зафарчи билан моталчи сменада бир килограмм 840 граммдан хом ипак бериши керак. Сериядагилар эса нормадагидан 100, гоҳо 200 грамм ошириб ипак беришяпти.

Бунга Мунисхон Тешабоева сериядаги дугоналари орасига илғор методларни дадил бошлаб кириши, уларга икки қўллаб пилла чувиш-ташлашни ўргатиши, ҳамманя технология режимини бузмасдан ишлашга ўргатиши натижасида эришилди. Шундай қилиб, ҳар ойда фақат шу серияниг ўзида олти-олти ярим килограммдан кўп пилла ташланадиган бўлди. Бу — бир йилда 78 килограмм хом ипак деган гап. Бир килограмм хом ипакдан ўрта ҳисобда 17 метр крепдешин тўқилади. Демак, пилладан ортиқ берилган 78 килограмм ипакдан 1 минг 326 метр қўшимча крепдешин тўқиш мумкин. Бу миқдордаги ипак газламалар билан 448 хотин-киз кийина олади.

Булар фақат бир сериядаги ипакчиларнинг планга қўшимча ишлаб чиқараётган маҳсулоти. Комбинатда эса бундай сериялар 90 та. Гап шундаки, агар ҳамма сериядаги кишилар ҳам Мунисхонларга ўхшаб ишлайдиган бўлса, қўшимча ўн мингларча метр ипак газлама тўқиб чиқариш мумкин. Бу газламалардан мутахассисларнинг айтишича, сал кам 41 минг аёл кўйлаги тикилади ёки Марғилондек шаҳарда яшовчи ҳамма хотин-қизларни бир сидра кийинтирса бўлади.

Биринчи пиллакашлик фабрикасида резервларни қидириб топиш ва ишга солиш партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь Пленумидан кейин кенг изга солиб юборилди. Резервлар бутун комбинатга фойда келтирмоқда.

Оқ пилланинг ҳар уч килограмм 400 граммидан бир килограмм соф хом ипак олинади. Бу — технология талаби. Зафарчилар моталчилар 3 килограмм 307 грамм оқ пилладан бир килограммдан хом ипак олишяпти. Яъни 93 граммдан ортиқча пилла толаси олиш мумкинлиги амалда исботланди. «Тома-тома қўл бўлур» деганларидек, фабрикада ишловчи 3 мингдан ортиқ пиллакаш шу йилнинг бир кварталн мобайнида хаммаси бўлиб 5 тонна 323 килограмм пилла тежашди. Граммлардан тўпланган тонналар фақат уч ойда 80 минг сўм фойда олиш имконини берди...

Совет ҳокимияти қаддини ростлаб олиши биланоқ, Марғилонда пиллакашлик фабрикаси очилди. Тешабой ака, унинг хотини Тожихон қўл ушлашиб фабрика дарвозасидан кириб келишганида. Мунисхон энди 8 ёшга тўлган эди.

Йиллар ўтаверди. Фабрика Тешабой ака оиласининг ҳамма катта-кичик аъзоси учун қадрдон бўлиб қолди. Фабрика уларга ош-нон берди. Бора-бора ҳиммат ва ҳурматга сазовор қилди. Оиланинг катта фарзанди Мунисхон зафарчига шогирд бўлиб тушди. Ундан кейин Мунисхоннинг синглиси Холнисо, Ўғилхон ҳам ўқиб, ҳам ишлай бошладилар. Ҳозир Тожихон пенсия олади. Унинг қизлари, куёвлари, набиралари комбинатнинг турли фабрикаларида катта-кичик ишларни бошқаришади.

Мунисхон 1940 йиллан буён ўтган 23 йил ичида меҳнаткашлар депутатлари Марғилон шаҳар Советига тўрт марта, Фарғона область Совети депутатлигига ҳам тўрт марта сайланди. Шаҳар биринчи участка халқ суди маслаҳатчилигига уч марта кўрсатилди. Ҳозир шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси ва Фарғона саноат область партия комитетининг аъзосидир.

Меҳнатда ва жамоат ишларида тобланган Марғилон ипак комбинатининг ишчиси Мунисхон Тешабоевага область коммунистлари катта ишонч билдирдилар. Уни КПСС XXII съездига делегат қилиб сайладилар. Комбинат ишчилари ва теварак атрофда истиқомат қилувчи меҳнаткашлар бу оддий ўзбек аёлини СССР Олий Совети депутати қилиб ҳам сайлашган. Мунисхон Тешабоева халкимизнинг бу катта ишончига муносиб ишлар қилмоқда.

— Мен бахтли оддий совет кишиларининг биримаи, — дейди суҳбатда Мунисхон. — Бу бахтни менга меҳнат, партия, совет тузуми берди. Мен уни қадрлайман.

А. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Қизил суратда кўриб турган йигит Б. Умаров Бухородаги пойафзал фабрикасининг 3-цехида коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун нурашаётган бригадага бошчилик қилади. Шу кунларда бригада аъзолари йиллик планни муддатидан бир ой олдин адо этиш учун самарали меҳнат қилмоқдалар.

Л. Борухов фотоси.

БЕШИНЧИ КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИ

ХУЖАЙЛИ (Қорақалпоғистон АССР). (ЎзТАГ) Бухоро—Урал газ қувурида 5-компрессор станцияси қурилиши бошланди. Бу — зангори ёқилғи буюк магистралининг Қорақалпоғистон территориясидаги учинчи компрессор станциясидир. Республика пойтахти Нукусга ва Амударёнинг ўнг қирғоғидаги бошқа районларига газ берадиган линия ана шу станциядан бошланиб кетади.

Янги қуришишга Тошкент областининг Юмолоқ заводидан йиғма темир-бетон конструкциялар билан дастлабки вагонлар келди. Бетон-эритма узели, трансформатор подстанцияси, омбор бинолари ва бошқа объектлар тез суръатлар билан қурилмоқда.

ОЗАРБАЙЖОН ДАЛАЛАРИДА

(ЁЗУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН)

<> <>

Бошданоқ айтиб қўяйки, биз Озарбайжон сафаридан бениҳоя мамнун бўлдик. Бизни даставвал қувонтирган нарса дўстларимизнинг коммунизм азим биносини қуриш борасида қўлга киритаётган катта ютуқлари улар ҳаётидаги қудратли ва зўр ўсиш бўлди. Революцион хотираларга ва санъат анъаналарига бой Бокунинг зинапоядай бўлиб салобатли Каспийга туташган.гавжум, серманзара кўча-хиёбонларида, кун сайин пойтахт қиёфасини ўзгартириб кенгайиб бораётган янги, шинам кварталларида, атрофни шиғил ўрмондай қоплаб, денгиз сувларигача шўнғиб кетган сонсиз нефть миноралари шундай қудрат ва мавжни кўрсаси. Бокунинг яқинида Апшерон даштида янгидан қад кўтарган Сумгаит шаҳрини олинг. Шундоқ денгиз бўйида оромбахш курортлар маконини эслатувчи ва қават-қават бинолн сердарахт, кенг кўчаларидан трамвай, троллейбуслар ғиз-ғиз қатновчи бу катта сўлим шаҳар Боку гази билан ишлайдиган йирик кимё марказига айланиби. Юқори вольтли линиялардан юзлаб корхоналар шаҳарқишлоқларга нур оқаётган ва улкан сув омбори, минг-минглаб гектар сувсиз ерларнинг ташналигини қондираётган Мингечаур иншооти, унинг атрофида вужудга келган саноат шаҳри ҳам озарбайжонликлар фахридир. Биз республика бўйлаб қилган сафаримизда, янгидан обод бўлиб, коммунистик меҳнат ва ҳаёт нишоналарини ўзида баралла акс эттириб турувчи бундай ўчоқларни кўп учратдик. Яшил бахмалдан либос киймиш поёнсиз водийлар, ҳамиша баҳорни эслатган ва сернеъмат сахий сийнасида ҳаёт жўш урган ғўзал тоғ тизмалари республика ҳуснига-ҳуси қўшиб турибди.

Биз Озарбайжонда завод ишчиси биланми, нефтчи биланми, соҳибкор ё чорвадор биланми, муаллим ё санъаткор биланми, — ким билан сўзлашмайлик, гап айланиб пахтага боғланарди. Озарбайжонликлар «қора олтин» (нефть) билан «оқ олтин»ни баравар кўриб, иккиси ҳам асл бойликларимиз деб қадрлайдилар. Ўзбекистон пахтакорлари делегацияси, албатта, асосий эътиборини қардошларнинг пахта етиштиришдаги ишларига қаратди.

405 минг тонна «оқ олтин» учун! Бу — озарбайжонликларнинг шу йилги шиори. Бутун куч, диққат-ўйларни бу шиор зўр жозибали магнитдай ўзига тортиб турадн.

Пахта учун курашда дўстларимиз анча тажриба ортирганлар. Биздагидек уларнинг ҳам ўз дала пахлавонлари, ҳамма ёққа шўъла сочиб турган машъаллари бор. Бу машъалларни улар фахр билан бизнинг Турсунойимиз, Меликўзимиз, Тюпкомизга нисбат беришади. Делегация аъзоларимиз бу машъаллар билан учрашиб, уларнинг иш ва ҳаётлари билан қизиқиб танишдилар.

Мана, ўрта ёшга яқин, гоят камтар, кўринишдан оддий колхозчилардан фарқ қилмайдиган Малика Қулиева. У, худди Фарғона водийимизга ўхшаш тоғлар этагига жойлашган Агдам районининг кенг далаларида ўсган, чиниққан, миришкорлиги билан аёллар орасида пахта устаси деб донг тараганлардан. У звено, бригада бошлиғи бўлган кезларида гектаридан 35-40 центнердан ҳосил кўтарган, меҳнатдаги фидокорлиги туфайли Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига, Иттифоқ Олий Совети депутатидек юксак шарафга эришган. Ҳозир Карл Маркс номли колхознинг раиси. 860 гектар ерда пахта етиштирмоқда. Далаларни синчиклаб кўриб, айрим камчиликлар устида тегишли маслаҳатлар берганларидан кейин, ўзбек пахтакорлари Қулиевадан: бу йил неча центнердан ҳосил мўлжаллагансиз, деб сўрадилар. У, негадир ўйлаб қолди-да:

— Сизларнинг чамангизда қанчадан олишимиз мумкин?—деди.

— Агар ҳозирги маслаҳатлар амалга оширилиб, парваришга зўр берилса, 22-23 центнердан олишингиз мумкин.

— Соғ бўлинглар. Дилимдагини топдинглар. Асли планимиз 20 центнердан. Аммо сизларнинг маслаҳатларингиз планни оширишимизга йўл очади, — деди Қулиева тўлқинланиб.

У, неча марта республикамизга келиб, ўзбек тажрибакорлари билан яқин боғлангани, дўстлар маслаҳати ҳар вақт ишга наф етказиб келганини миннатдор бўлиб гапирди.

«Озарбайжон Турсунойи» Севил Газиева. Пахтакорлар ёш авлодининг вакили. Тиниқ кўкда бирдан чарақлаган ёруғ юлдуздай, сўнгги йилларда майдонга чиққан. Сиз уни шўх чеҳраси, дид билан кийиниши ва одамга тез эл бўлиб кетишига қараб шаҳарли қиз дейсиз. Чиндан шунақа. Турсунойнинг барча хотин-қизларга чақириғи чиққан йили Севил ўрта мактабни битириб, механизация мактабига кетган эди. 1961 йилдан бошлаб Миль чўлидаги 5-совхозга келди. Айрим кишиларнинг қаршилигига қарамай, трактор минди, машинада пахта терди. 1962 йилдан комплекс-механизацялашган комсомоллар бригадасига бош бўлди. Ўтган йил қаттиқ қурғоқчилик бўлган бўлса-да, юз гектар майдоннинг ҳар гектаридан 21 центнер ўрнига 22 центнердан ҳосил кўтарди, ўзи машинада 187 тонна пахта терди. У, Тошкентда бўлган пахтакорлар ва ёш механизаторлар кенгашларида Турсуной билан танишиб олди, опа-сингил тутинди. Шу йил бошидаги кенгашда Севилнинг: «Бу йил ўз машинамда 250 тонна пахта тераман, бригадамдаги қизлардан бештасини машина ҳайдашга ўргатаман» деб берган ваъдасини ҳамма олқишлаб қарши олди. Озарбайжон халқи эндигина 23 ёшга кирган сергайрат, вафодор, севимли қизини иззатлаб, республика Олий Совети депутатлигига сайлади.

Миль даштидаги Ленин номли совхоз механизатори Сардор Имралиевни «чўл арслони» десак арзир. Одамлар унинг ҳақида: «Қўл урган ишини дўндиради, кўзлаган ҳосилини ундиради» дейишади. Сардор болалик чоғидан машинага қизиққан. 1952 йили чўлга биринчи борган «СХМ»ни маниб, ҳамманд ҳайратда қолдирган эди. Кейинги вақтларда бригадир бўлиб пешқадамлар сафидан ўрин олди, гектаридан 28-30 центнерга етказиб ҳосил бера бошлади. Сардор Ўзбекистонлик ҳамкасби Меликўзи Умрзоқов билан мусобақага кириши. 1962 йилда «ХВС-1,2» да 230 тонна пахта терди. Бу шижоатли йигит ҳалол меҳнати ва янгиликка ўчлиги билан каттадан кичикка намуна кўрсатаётир. Эндиликда у, чигит экишдан тортиб чеканка ва теримгача барча ишни машиналаштириш мумкин эканлигини исбот этаётир. Ҳам кўп, ҳам арзон пахта етиштириш — унинг шиори!

Табиат инжиқликларига қарши курашиб, тупроқдан олтин ундираётган бу каби азамат ёшларни республиканинг Муғон, Сальян чўлларида, тоғ водийларида ҳам кўрдик. Бизни севинтирган нарса шу бўлдики, Озарбайжонда қўшниларнинг прогрессив усуллари билан юқори ҳосил усталари маҳоратига алоҳида эҳтиром кўрсатмоқдалар, ёшларни шу руҳда тарбияламоқдалар. Қаерга бормайлик, коллектив хўжаликнинг кекса ташкилотчиси, Сальян чўлидаги Низомий номли колхознинг донгдор раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қудрат Самедовнинг таърифига дуч келамиз; Фузулий ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «1 Май» колхозига раислик қилаётган икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шамома Гасановнинг хизматлари ҳақида ёқимли сўзлар эштамиз; Қозоқ районидаги «Коминтерн» колхозининг ўттиз беш центнер учун курашаётган забардаст бригадири Ҳажан Жафаровнинг «Деҳқончиликни буткул машинага мингизиб», «кетмонни музейга тоширгани» ҳақида ҳикоя тинглаймиз. Халқ буларни республиканинг пахтакорлик шаънини юксалтирган баҳодирлар дебгинамас, янгидан-янги лойиқ ўринбосарлар етиштираётган, ёшларни меҳнатга, эл-юртга садоқатли қилиб тарбиялаётган устозлар деб ҳам ҳурматламоқда, қадрламоқда.

Делегациямиз қардошларнинг намунали ишлари билан танишиш, ғўза парваришидаги ютуқ ва камчиликларни текшириш билангина чекланиб қолмади. Ўзаро текшириш кўпинча конкрет тажриба алмашувга, пахтачилик агротехникаси, механизацияси ва экономикаси юзасидан жонли, қизғин суҳбат ҳам машғулотларга айланиб кетди. Мезбонлар билан меҳмонларнинг фаол ҳамкорлиги, тантилиги, бир-биридан мумкин қадар кўпроқ нарса билиб олишга сидқидилдан интилиши ҳар икки томон учун айни муддао эди. Қардошлар ўз қурдошларини қалб уйининг тўрига ўтқазиб, гоят сахийлик, валломатлик билан бор бисотларини ўртага қўйдилар. Биз, чўллар ва водийлардаги пахта конлари қаторида, ўн минг гектарлаб ерларни қоплаган боғдойзор, жўхоризорларни, анвойи хил узумзорларни, ширин-шакар мева боғларни, қўй-қўзилар, сигир-бузоқлар маърашган бепоён яшил яйловларни кўрдик. Кавказ тоғ тизмалари қўйнида рангдор харсанглардан нозик дид билан чиройли уйлар қуриб, тошлар устида ноз-неъматлар ундириб, республиканинг хазинасини бойитаётган кишилар билан танишдик. Ажойиб, жасур, хушчақчақ кишилар! Буларнинг бари қадрдон қўшнимизнинг ранго-ранг рўзғори, маданияти ҳусусида, иқлими турлича бўлган гўзал, бой табиати ҳақида тасаввуримизни кенгайтирди.

Сафар давомида икки қардош халқ вакилларининг дўстона мусобақаси кенгайиб кетди. Айрим бригада билан бригада, колхоз билан колхоз, бошқарма билан бошқарма ўртасида шартномалар боғланди. Жумладан, мирзачўллик донгдор турсунойчимиз Матлуба Назарова Муғон чўлидаги Киров номли колхоз бригадири Сифоя Мусаева билан, машҳур маккажўхорикоримиз Любовь Ли озарбайжонлик жўхоригорлар билан, Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Меҳриниса Убайдуллаева Нагорно-Карабах автоном областидаги сабзаватчи, соҳибкор ва чорвадорлар билан мусобақага киришишди, доимо хат ёзишиб, ўзаро кўмаклашиб туришга аҳд-паймон қилишди.

Жонажон партиямиз раҳнамолигида бу дўстлик алоқалари мустаҳкамланган, биродарлик иплари чийралган сари, кучларимиз булоқдек қайнаб-тошғуси, коммунизм буюк қўрғонини тиклаш йўлидаги ижодий меҳнат самараларимиз тобора барқ урғусидир.

Яша ва яшна, азиз жондошимиз! Соғ ўл, Озарбайжон!

Ҳаким НАЗИР,
Боку — Тошкент.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзолари Мурожаатга амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Мирза Йўлдошев бошлиқ илғор бригада аъзолари 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан илгариги 35 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил кўтариш учун қатор ораларини ишлаш, ғўзага «шарбат» оқизиш ишларини кучайтириб юбордилар. СУРАТДА: бригада бошлиғи Мирза ЙЎЛДОШЕВ ва сувчи Тўхта АБДУНАЗАРОВ ўртоқлар.

А. Кузьменко фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

БЕҒАМ РАҲБАРЛАР

МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРЛАНИНГ

Шўрчилик пахтакорлар бу йил 13350 тонна «оқ олтин»ни машиналар билан териб олишга аҳд қилганлар. Тажрибали деҳқонлар ва илғор механизаторлар бу муҳим кампанияни шайланиб кутиб олишгтилар. «Коммуна» колхозининг моҳир механизатор ўртоқ Шоймардон Қудратов бошлиқ донгдор бригадаси аъзолари 160 гектар майдоннинг 120 гектаридаги ҳосилни машина билан териб олишмоқчи. Бригада пайкалларида бўлган кишининг қалби қувончга тўлади: ҳамма жойда ўсимлик бир текис, ҳосилдор бўлиб ўсяпти. Ҳар туп ғўзада 12-13 бўлиқ кўсак, вўплаб ҳосил тугунчалари маржондек тизилиб ётибди. Далаларда бегона ўтдан асар ҳам йўқ. Тупроқ нам ва майин. Агротехника қоидаларига риоя қилинаётганлиги учун ғўзаларнинг ётиб қолиши ёки ғовлаб кетишига мутлақо йўл қўйилмаган.

Бошқармадаги Киров номли колхозда ва «Комсомол 30 йиллиги» совхозида ҳам машина теримига яхши ҳозирлик кўрилмоқда.

Бироқ, бошқармадаги барча хўжаликларда ҳам машина теримига ҳозирлик ишлари яхши боряпти, деб бўлмайди. Бошқарма бошлиғи ўртоқ Р. Эргашев билан суҳбатлашсангиз ҳамма иш жойида экан, деб ўйлаш мумкин. Аслида эса 184 пахта териш машинасидан 110 таси ҳанузгача ремонт қилинган эмас. Жданов номли, «Ленинизм», Энгельс номли ва бошқа колхозларда ремонт графиклари бажарилмайди, ремонтчилар иши устидан контроль ўрнатилмаган, улар учун зарур моддий-маиший шароитлар яратилмаган.

Бу йил район хўжаликларида 76 минг тонна пахта қоп-қанорсиз ташилиши керак. Бунинг учун юзлаб тележкалар ремонт қилиниши лозим. Амалда эса бу ишга ҳали қўл урилгани йўқ.

«Узсельхозтехника» район бўлимига колхозлар томонидан ремонт учун келтирилган машиналар устахонада икки-уч ойдан бери навбат кутиб, тизилишиб турибди. «Узсельхозтехника» бўлимининг бошлиғи ўртоқ Гайсин ҳамма айбни колхозларга тўнкашга уринади:

— Биз нима қилайлик, — дейди у, — колхозларнинг ўз устахоналари бўла туриб ремонт ишини бизнинг елкамизга ортиб қўйишмоқда.

Колхозларнинг раҳбарлари бўлса, ўз навбатида «Узсельхозтехника» ремонтчиларидан нолийдилар. Бундай қараганда ҳар икки томон ҳам ҳақли бўлиб кўринади. Аммо, ремонт ишлари бунчалик чўзилиб кетаётганлигининг бошқа жиддий сабаблари ҳам бор. Запас қисмлар етишмаётганлиги техника ремонтига жиддий тўғоноқ бўлмоқда. Бунинг устига кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари «йиғим-теримгача ҳали анча вақт бор-ку, унгача ремонт ишларини дўндираверамиз» деган кайфиятда юрибдилар.

Белгиланган графикка асосан терим машиналари ва тележкалар ремонти 20 августгача тугалланиши лозим. Лекин, иш ҳозирги суръатлар билан давом эттириладиган бўлса, ремонт ишлари ҳалиёвери тугалланмайди.

Ремонтдан чиқарилган машиналарнинг ҳам кўпчилиги аккумуляторсиз ва олдинги йилдиряклари йўқлиги сабабли устахоналардан жиллолмай, занг босиб турибди. Ҳатто янги сотиб олинган агрегатларда ҳам аккумуляторлар йўқ. Хўш, машиналарнинг аккумуляторлари ва олдинги баллонлари қаерда? Уларнинг ҳаммаси ўтган йилги мавсумдан сўнг талон-торож қилиб юборилган. Баллон ва аккумуляторлар терим агрегатларидан олинибди, автомашина ва тракторларга қўйилган.

Районда механизатор кадрлар тайёрлаш иши ҳам кўнгилдагидек эмас. Белгиланган планга асосан қисқа муддатли курсларда янгидан 48 механик-ҳайдовчи тайёрланмоғи ва 128 механизаторнинг малакаси оширилмоғи керак эди. Аммо, 15 июндан кечиктирилмай бошланиши лозим бўлган машғулотлар шу кунга қадар ҳам бошланганн йўқ.

Бошқарма ва партком раҳбарлари эса «ғўза парвариши давом этаётган вақтда қандай қилиб механизаторларнинг ўқишини ташкил этиш мумкин?» деб елка қисадилар, холос. Ахир, механизаторларнинг ўқишини сменалар орасида, ишдан кейинги соатларда ва кечқурунлари ташкил этиш мумкин эмасми?! Бундай машғулотларни семинарлар тариқасида ҳам ўтказиш мумкин. Ишнинг кўзини биладиган кишилар ҳудди шундай қилияптилар. Афтидан, Шўрчилик раҳбарлар бошқалардан ўрганишни истамасалар керак.

Шундай қилиб Шўрчида машина теримига тайёргарлик соҳасида ўтакетган беғамлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Область партия, совет ташкилотлари бундан тегишли хулоса чиқариб, Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарларининг масъулиятини оширадиган шошилинч чора-тадбирларни кўришлари керак.

А. ХАЛИЛОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

МАКТАБЛАР РЕМОНТИ ТЕЗДА ТУГАЛЛАНСИН

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

Ёш авлодни тарбиялашда мактабнинг роли каттадир. Мактабларда ўқувчиларга қулай, ҳар томонлама шароит яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Бунда жамоатчилик кучига таяниш ишнинг муваффақиятига муваффакият қўшади. Қўқондаги 4-мактабда жамоатчилик асосида Ўзбекистон тарихи музейи очилганлиги, Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 139, 11-мактабларнинг жорий ремонтдан чиқарилганлиги каби мисоллар оммага таяниб кўп ишларни тез ва соз бажариш мумкинлигини кўрсатади. Бу ҳақда хабар ёзган Б. Пастух ва Р. Охунжонова ўртоқлар шу фикрни таъкидлайдилар.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхози 4 конали идора, клуб биноларини 25-мактаб ихтиёрига топширган. Бу — мактабда машғулотларни бир сменага ўтказиш имкониятини беради. Шу ҳақда хабар ёзган Т. Имомов 12-мактаб биноси ҳам сифатли ремонт қилиб бўлинганлигини маълум қилади. Тўрткўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Матросов номли, «Коммунист», Титов номли мактабларни ремонтдан чиқариб, янги ўқув йилига тахт қилишда, — деб ёзади А. Бобожонов, Ш. Хусанбоев ўртоқлар.—оталиқ ташкилотлари яқиндан ёрдам бердилар. «Коммунизм» колхозида янги саккиз йиллик мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шаҳрисабздаги В. И. Ленин номли 4-сакиз йиллик, Фурқат номли, Лоҳутий номли, Ҳамид Олимжон номли ва бошқа мактаблар ҳам тахт бўлиб ўқувчиларни кутмоқда. И. Неряев ва А. Бўриев ўртоқлар бу мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда оталиқ ташкилотлари ҳам актив қатнашганлигини билдиради. Янгиқўрғон районидаги Охунбобоев номли саккиз йиллик мактаб директори Ш. Маҳмудов мақолосида «Оталиқ ташкилотларининг ёрдамида» деб сарлавҳа қўйган. Автор район ҳалқ маорифи бўлими оталиқ ташкилотларининг ёрдамидан мамнун эканлигини хабар қилади. Райондаги 17 та ўз бир йиллик 67 та саккиз йиллик, 45 та бошланғич мактаб биноларн капитал ва жорий ремонт қилинди, 92 янги синфхона қурилди.

Янги ўқув йилига тайёргарлик даврида меҳнатда тобланаётган, деҳқончилик асосларини ўрганаётган ёшларнинг ишига раҳбарлик қилиб туриш, пахта ва бошқа эниларидан мўл ҳосил олишга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир педагогнинг бурчидир. Т. Тешабоев, Б. Қаюмов, И. Ҳаққулов, С. Барноев, Ғ. Эргашев, К. Баирбеков ўртоқлар Охунбобоев районидаги 8- ўн бир йиллик, Қува районидаги Некрасов номли, Ғузор районидаги Киров номли, Бухоро область «Ромитан» совхозидаги А. Навоий номли ўн бир йиллик, Сирдарё районидаги М. Горький номли колхозидаги 44- ўн бир йиллик, К. Маркс номли колхозидаги 43- ўн бир йиллик мактабларнинг ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларида «оқ олтин»дан мўл ҳосил олиш учун фидокорона меҳнат қилинаётгани ҳақида ёзадилар.

Бахтиёр, қувноқ ўғил-қизларимизнинг ўқишлари, дам олишлари учун партия ва ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган катта имкониятлардан фойдаланиб, ўқув-тарбия ишларини пухта ташкил этган мактаб дирекциясидан, педагоглар коллективидан бўлажак ҳунармандлар, инженерлар, олимлар умрбод миннатдор бўлиб қоладилар. Ҳозир республикамизнинг турли идораларида ишлаётган, Тошкентдаги Охунбобоев номли 45- мактабни тамомлаган ТошДУ ўқитувчиси Ж. Зайниддинов, ҳарбий хизматчи И. Раҳмонов, аспирант Ж. Холиқов, илмий ходим Б. Азизов ва бошқа ўртоқлардан 60 ёшли педагог Турсун Юсупов номига келган миннатдорчилик-табрик хати. В. Раҳматуллаев, У. Қорабоева, М. Алиқулов ўртоқлар ҳабар қилган 1962-63 ўқув йилида етуклик аттестати олган Олтиариқ район, Жданов номли колхозидаги 13- Ленинск шаҳридаги 2-кечки ишчи-ёшлар, Самарқанд шаҳри Қўйтош посёлкасидаги А. С. Пушкин номли 4-мактаб ўқувчиларининг ўзларига билим берган қадрдон ўқитувчиларига миннатдорчиликлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Лекин, шуни айтиш керакки, баъзи мактаб дирекцияси, район халқ маорифи бўлимлари бор имкониятлардан тўла фойдаланмайдилар, ташаббус кўрсатмайдилар. Натижада мактабда ўқувчиларнинг чуқур ва ҳар томонлама билим олишлари учун етарли имкониятлар яратилмай қолади. Х. Давлатов Шўрчи районидаги «Москва» колхозининг ўғригузар массивида аҳоли сони ҳил сайин ўсиб боратганига қарамай мактаб қурилмай келинаётганлигини таҳқид қилади. Бу ерда ўқувчиларнинг сони 600 кишидан ортади. Улар боғча учун қурилган 18 хонали бинода ўқитилмоқда. Ҳар бир партада 3-4 киши ўтирадн. Бу ҳақда область совет, маориф ташкилотларига мурожаат қилинган. Лекин ҳеч қандай натижа чиқмаган. Шовот районидаги «Ленинград» мактаби биноси эса ремонтга мухтож. Бу ҳақда хабар ёзган Т. Раҳимбоев, Д. Холимбетова ўртоқлар халқ янги типда мактаб қурилишини талаб этаётганлигини, ўқувчилар учун яхши шароит яратиб бериш лозимлигини айтади.

А. Паттоев Нурсух қишлоқ Советидаги мактабларнинг ремонти жуда суст ва сифатсиз олиб борилаётганини таҳқид қилади. Макаренко номли, Ломоносов номли мактабларда ремонтнинг кети кўринмайди, иш унуми жуда паст. Район халқ маорифи бўлимининг мудири Муҳамедова, қишлоқ Советининг раиси Ботирхўжаев, «Ўзбекистон» колхозининг раиси Носиров ўртоқлар бунга эътибор бермаётирлар.

Чирчиқ шаҳридаги мактаблар пухта ремонтдан чиқарилган. ўқитувчилар сафи тўлатилган, уларнинг ўз устиларида ишлашлари мактаб дирекциялари томонидан текшириб турилади. Болаларга билим бериш билан бирга меҳнат кўникмаси ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Устаханалар мукаммал ускуналанган. Буни 2-ўн бир йиллик мактаб мисолида аниқ кўриш мумкин. Ишчи мухбир Т. Ўринов булар ҳақида ёзиб юборган.

Ўқитувчи Х. Умаровнинг ёзишича, Поп бошқармасидаги 25-саккиз йиллик мактабнинг директори, олий маълумотсиз Аъзам Ҳайдаровнинг илмий мудирларни чиқиштирмаслиги, бир ярим йилдан ортиқроқ вақт ичида ёш, олий маълумотли илмий мудирлар И. Жаннатов, Ҳ. Назировнинг бўшаб кетишига сабаб бўлганлиги район халқ маорифи бўлимига аллақачон маълум. Лекин бунга қарши ҳеч қандай чора кўрилмаётир. Р. Носиров, С. Шодиқулов ва Н. Иноъомов ўртоқлар Жиззах районидаги «Коммунизм» мактабида ўтган йили чет ва рус тили фанларидан яхши дарс берилмагандиги ва бунинг натижасида «2» баҳолилар кўп чиққанлигини, буни яшириш учун илмий мудир Соҳибов баҳоларни кейин қайта тўғрилатганини ёзадилар. Мактабни шу фанлардан дарс берувчи ўқитувчилар билан мустаҳкамлаш район халқ маорифи бўлимининг муҳим вазифаларидан биридир. Денов районидан З. Фармонов ва С. Алибеков ўртоқлар Карл Маркс номли колхоз раиси Қодиров «Правда» номли 43-ўн бир йиллик мактабга ёрдам кўрсатиш ўрнига, тажриба участкасининг бир қисмини ўз ҳовлисига, боғчаси Ҳасановникига қўшиб олганлигини билдиради Улар ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг меҳнати билан қад кўтарган агроучасткани пайхон қилмоқдалар.

Янги ўқув йилига тайёргарликни ҳар томонлама пухта ўтказиш, илгорлардан намуна олиб, йўл қўйилган камчилик ва хатоларга котима бериш, халқ маорифи бўлимлари, оталиқ ташкилотлари ходимларининг, бутун жамоатчиликнинг муҳим ишидир.

БОЛГАРИЯ НУР ҚЎЙНИДА

Болгария Халқ Республикаси саноати халқ ҳокимияти йилларида ғоят юксалди. Энди мамлакатда энг янги конструкциядаги металл қиркиш ва темирчилик-пресс станоклари, озиқ-овқат саноати учун серунум машиналар, кемалар, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарилмоқда. Болгарияда электр энергияси ҳосил қилиш, қора ва рангли металлар тайёрлаш йилдан йилга кўпаймоқда. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, химия ва қурилиш материаллари, шиша ва чинни каби саноат тармоқлари айниқса барқ уриб ривожланмоқда. Мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги тўла-тўкис механизациялаштирилмоқда.

Қардош болгар халқига социализм қуришда Совет Иттифоқи катта ёрдам кўрсатяпти. СССР ёрдамида нейнги йилларда жуда кўп саноат корхоналари қурилди. Совет ва болгар халқларининг дўстлиги, ҳамкорлиги катта самаралар бермоқда. Бугун Ватанимиз пойтахти—Москвадаги «Сокольники» паркида Болгария Халқ Республикасининг миллий виставкаси очилади. Виставка «Болгария социализм қурмоқда» деб номланган. Виставкадаги экспонатлар қардош болгар халқининг социализм қуриш соҳасидаги ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади.

Биз бугун Болгария журналистларининг энергетика қурилишлари ҳақидаги мақолаларини босамиз.

ГЭСЛАР КАСКАДИ

Вича дарёси Ўрта Родоп чакалакзорларидан бошланиб, хушманзара даралар оралаб ўтади-да, текисликка оқиб чиқади. Дарё ўзининг юқори қисмида шердек ҳайқиради. Йўлида учраган уй, кўприк, дарахтларни ювиб, қўпориб кетади. Табиат бу дарёга чирой билан бирга куч ҳам тортиқ қилган. Эндиликда шу битмас-туганмас кучни халқ ўз измига бўйсундиришга киришди. Мамлакатда энг йирик «Доспат — Девин—Кричим» гидроэлектростанция каскади қурилиши бошлаб юборилди. Дарё атрофидан портлаш овозлари, қудратли экскаваторлар, машиналарнинг ҳайқириғи аримай қолди.

Доспатдан Кричимгача бўлган бу йирик гидроэнергетика системаси қурилиши ўтган йил баҳорда бошлаб юборилган эди. Ҳали катта ва мураккаб ишларни бажаришга тўғри келади. Қалин ўрмонлар билан қопланган Родоп тизмалари ўртасида «Доспат», «Цанков камень», «Михалково», «Антониванновци» сунъий денгизлари сув тўплайди. Инсон ҳозиргача фойдаланилмай келинаётган миллионлаб кубометр об-ҳаётнинг эгаси бўлиб қолади.

Энг баланд жойда «Доспат» сув омбори барпо этилади. Унинг сиғиндасига 445 миллион кубометр сув сиғади. Бекорга оқиб ётган Мести дарёси ирмоғининг суви сунъий денгиз ва деривацион трубопроводлар ёрдамида Доспат дарёсига ташланади. Ҳозир тоғчилар, инженерлар ва бошқа мутахассислар денгиз юзасидан 1250 метр баландда иш олиб бормоқдалар. «Доспат» сув омборидан кейин 16 километрли туннель бошланади. Сув шу туннелдан ўтиб, Вичанинг ирмоғига қуйилади ва 340 метр баланддан тушиб, «Тешел» ГЭСининг турбиналарини ҳаракатга келтиради. Бу гидроэлектростанция йилига 279 миллион киловатт-соат электроэнергия ишлаб чиқаради.

Каскаднинг иккинчи сув иншоати «Девин» эса Кричим дарёсининг ўнг қирғоғида барпо этилади. Натижада йилига 152 миллион киловатт-соат арзон электроэнергияси ишлаб чиқариш мумкин бўлиб қолади. Бундан кейинги сув йўлидаги тўсиқ 140 метрли бетон-тўғон — «Цанков камень» бўлади. Бу ерда куч тўплаган сув яна ҳар йили 159 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқара оладиган ГЭСнинг турбиналарини ҳаракатга келтиради. Ундан пастроқда 120 мьнг киловатт қувватли «Антониванновци» ГЭСи ва сув омборн ҳамда 11 минг киловатт қувватли «Кричим» ГЭСи барпо этилади.

Бу ердан сув тартибга туширнб турувчи «Вича» сув ҳавзасига, ундан эса ГЭС каскадининг сўнгги электростанцияси «Вича—Нова»га кириб боради. «Вича—Нова»нинг қуввати 56 минг киловаттга тенг.

Родоп районидаги дарёларнинг ҳаммасининг сувини бирлаштирадиган гидроэнергетика каскадида 78 километрли туннель, 50 километрли канал ва 47 сув омбори барпо этилади. Сунъий денгизларда тўпланган 860 миллион кубометр сув умумий қуввати 436 минг киловатт бўлган 6 гидроэлектростанциянинг турбиналарини ҳаракатга келтиради. Бу ГЭСлар бир йилда 1 миллиард киловатт-соатдан ортиқроқ электроэнергия ишлаб чиқара олади. Бу 1939 йилда мамлакатда ишлаб чиқарилган электроэнергиядан 4 баравар ортиқдир.

Бундан 40 йил муқаддам буржуа ҳокимияти Вича дарёсининг қуйи оқимида 7 минг киловатт қувватли гдроэлектростанция қурган эди. ГЭС қурилиши қарийб ўн йил давом этган эди. Эндиликда эса халқ ҳокимияти даврида шу дарё ирмоғида болгар қурувчи ва монтажчилари қарийб шунча йил ичида қуввати 62 марта катта бўлган электростанциялар каскадини қурадилар.

Даврга қараб суръат дегани шуда!

Димитр ЖЕЛЕВ.

ЭНЕРГЕТИКА ЮРАГИ

Фракия тупроғи — олтин тупроқ! Қадим замонлардан бери деҳқонлар бу ердан мўл ҳосил олиб келишади. Лекин унинг чуқур қатламлари бундан ҳам бойроқ экан — «қора олтин» — кўмирнинг катта запасига макон экан. Геологларнинг ҳисобича бу запас қарийб 3,5 миллиард тоннага етади. Ана шу беқиёс бойликни ишга солиш мақсадида барпо этилаётган «Марица-Восток» йирик саноат комплексини Болгариянинг энергетика юраги дейиш мумкин.

Ҳозир ана шу саноат комплексига кирувчи «Трояново-1» разрезидан кунига юзлаб тонна кўмир қазиб чиқарилмоқда. Йилига ундан 11 миллион тонна кўмир қазиб олиш мумкин. Бу, мамлакатда 1958 йилда қазиб чиқарилган ҳамма кўмир миқдорига тенгдир. Фойдаланиш учун топширишга тайёрланаётган иккинчи кон — «Трояново-2» эса йилига 15 миллион тонна «қора олтин» беради.

Разрезлардан қазиб олинган кўмир тўғридан-тўғри брикет фабрикаси, ТЭЦ ва азот ўғитлари заводига узатилади. Брикет фабрикаси паст калорияли кўмирни қайта ишлаб каллориясини қарийб 3500 га етказиб беради. Ҳозирги кунда бу фабрика йилига 800 минг тонна брикет ишлаб чиқариш қувватига эга. Келажакда унинг қуввати 1.800 минг тоннага етказилади.

Шу йилнинг июнь ойи охирларида ишга туширилган азот ўғитлари заводи кўмир ёрдамида йилига 440 минг тонна азот ўғитлари ишлаб чиқара олади. Болгариянинг энг йирик «Марица-Восток» ТЭЦида ҳар бири 50 минг киловаттли тўрт группа ва 150 минг киловаттли икки группа генераторлар ўрнатилган. Унинг умумий қуввати 500 минг киловаттдир. Бошқача айтганда «Марица-Восток» ТЭЦи фақат бир ойда 1944 йилда мамлакатнинг ҳамма электростанциялари ишлаб чиқарганича электроэнергия бера олади.

Буларнинг ҳаммаси ҳали йирик саноат комплексини барпо этиш йўлидаги дастлабки қадамлардир. Кейинчалик бу районда 6 та янги разрез ишга туширилади. Улар 1980 йилга бориб қарийб 53 миллион тонна кўмир бера бошлайди. Булардан ташқари яна умумий қуввати 3,5 миллион киловаттга тенг бўлган 5 та янги электростанция барпо этилади.

М. ДЕКАЛО.

АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Тошкентда очилган транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш конторасн республикада биринчидир. Янги «агентлик» жуда хилма-хил топшириқларни бажаради. Уннинг ходимлари рўзғор буюмларни упаковка қилиш ва янги уйга кўчиришда, шаҳар магазинларидан сотиб олинган буюмларингизни уйингизга жўнатишда, бинокорлик материалларини дачага етказиб беришда сизга ёрдам кўрсатадилар. «Агентлик» автобус билетларини олдиндан сотади. контейнерларни етказиб беришни ўз зиммасига олади, шаҳар бўйлаб экскурсия қилиш ва шаҳар атрофига чиқиш учун енгил автомобиллар ва автобусларни кирага беради.

— Келгусида Тошкентнинг ҳамма районларида янги «агентлик»нинг филиалларини очиш мўлжалланади, — деди транспорт-экспедиция хизмати конторасининг бошлиғи А. Н. Бригадиренко.

Етти йилликнинг охиригача транспорт хизмати кўрсатиш «агентлик»лари Ўзбекистоннинг ҳар бир область марказида ташкил қилинади. (ЎзТАГ).

ҲАВАСКОР РАССОМЛАР АСАРЛАРИ КЎРИГИ

Тошкент тўқимачилик комбинати маданият саройи биносида Тошкент область ҳаваскор рассомлари асарларининг кўргазмаси очилди. Кўргазмада 300 га яқин скульптура ва этюдлар қўйилган.

Ранг-баранг темаларда ишланган расмларнинг авторлари асосан ишчилар, хизматчилар, студентлардан иборат. Ҳаваскорлар ўз асарларига областимиз донгдор кишиларининг ҳаётини, орзу-истакларини, меҳнатда кўрсатган қаҳрамонликларини тема қилиб олганлар. Расмларнинг деярли ҳаммаси ҳам шу кунинг нафаси билан суғорилган. Булар орасида ўз композициясининг пишиқлиги, қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини тўла акс эттириш жиҳатидан янгийўллик бўёқчи П. Коростелевнинг «Сувчи», Чирчиқ «Сантехмонтаж» идорасининг слесари Г. Бажажиннинг «Монтажчилар», «Чименга» каби асарлари ажралиб туради.

Бўстонлиқлик дурадгор Р. Ниёзбоевнинг, чирчиқлик В. Кривошеиннинг, тошкентлик инженер-геолог В. Воронич-нинг манзара асарларида ўлкамизнинг бой манзаралари, фидокор кишиларимизнинг руҳий кечинмалари, уларнинг келажак ҳақидаги ёркин орзу-истаклари ифодаланган.

Ҳайкалтарош К. Мирзакаримовнинг «Қўриқ ерларга», «Болалар» каби асарлари таъсирли ҳам томошабинлар диққатини ўзига тортмоқда.

Т. ОДИЛОВ.

ҲАМИША ҲУШЁРЛАР

Ўтган йил февраль ойида Октябрь район комсомол комитети карори билан кўнгилли халқ дружиначилар штаби тузилган эди. Штабимиз ўзининг мард, сезгир М. Лембрикман, М. Йўлдошбеков, К. Тошпўлатов, К. Барабаш, К. Тошмуҳамедов, Алижонов каби аъзолари билан анча ишлар қилди.

Ҳеч каерда ишламайдиган Карима Ризаевани Чуқурсой бозорида 60 жуфт калош, 78 жуфт махси билан кўлга тушириб, Октябрь район халқ судига топширдик.

Бизнинг дружиначиларимиз милиция, ОБХСС ходимлари билан бирга етти марта рейд ўтказиб, ўнлаб чайковчини ушлашга муваффақ бўлдилар. Айниқса, магазинларда ўтказилган рейдларда тарозидан уриб, пулдан 45 тийиндагача уриб қолганлар. Улар жиноят устида кўлга тушдилар.

Райондаги ҳамма дружина аъзолари ёш болалар тарбиясига зўр эътибор бермоқдалар. Бекор юрадиган болалар билан суҳбатлашдик. Ринат Нигматуллин ишлаш у ёқда турсин ҳатто ўқимасди ҳам. Ринат эндигина 16 баҳорни кўрди, аммо меҳнат қилишни истамасди. Эрталаб уйидан чиқиб, кинонинг энг охирги сеанси тугагандагина уйига келарди. Уни «Ватан» кинотеатри олдида билет сотаётганида ушлаб, пунктга олиб келишди. Бошлиғимиз у билан суҳбатлашди, уйига борди. Меҳнатимиз меваси шу бўлдики, Ринат бу ҳавфли йўлдан қайтди, ҳозир 7- мебель фабрикасининг илғор ишчиси, техникумга кириш учун ҳаракат қиляпти.

Коммунист М. Лембрикман ёш дружиначилар группаси билан рейдлар ўтказиб, кўча қоидасини бузувчиларни тартибга чақирди. Бир кун область матбуот союзига қарашли шофер Азим Аулов ўз машинасини тўғри йўл у ёқда қолиб, одамлар келаётган томонга ҳайдади, дружиначилар сигнал беришса ҳам у парво қилмади. Тезликда мотоцикл билан етиб келган М. Лембрикман машинани тўхтатди.

Жонкуяр ходимимизни бир неча марта фахрий ёрлиқ ва қиммат баҳо буюм лар билан мукофотлашди. Айблорнинг фикрини билиш, унга хар соҳада ёрдам бериб, боткоклиқдан чиқариб тўғри йўлга солиш совет гражданларининг, жумладан дружиначиларнинг олижаноб бурчидир. Николай Ахтёрский ўғирлик қиларди, қайси жойга ишга кирмасин, 15 кун, бир ой ўтмай бўшаб кетарди. Нега шундай?

Дружина аъзолари унинг уйига бориб суҳбатлашдилар, ҳаёт, меҳнатнинг моҳиятини тушунтириб, энг охири Ахтёрскийни заводга ишга жойладилар. Эндиликда у штабимизга тез-тез келиб туради. Тарбия зое кетмади, хозир у институтнинг кечки бўлимига ўқишга кириш арафасида турибди.

Якинда «Восток» клубида дружиначилар слёти бўлди. Тошкент шаҳар ижроия комитети милиция бошқармасининг бошлиғи А. Тошметов «Жамоат тартибини саклаш ва дружиначиларнинг вазифаси» деган темада доклад килди. Слёт охирида дружинамизга область, шаҳар, район партия ва комсомол комитетлари хамда республика Жамоат тартибини сақлаш министрлигининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қиммат баҳо мукофотлари топширилди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ штаб командиримиз А. Юсупов «Жамоат тартибини саклашда аъло хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

Озода ЮСУПОВА,
халқ дружиначиси.

Ҳиндистон Республикасининг пойтахти Деҳли. Парламент биноси ёнидаги майдонда.

ТАСС фотохроникаси.

ҲИНДИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ

Бугун Ҳиндистоннинг шодиёна байрами. Бундан 16 йил муқаддам 1947 йил 15 августда, Ҳиндистон пойтахти устида мустақил Ҳиндистонинг биринчи миллий байроғи тантанали равишда кўтарилди. Ўшандан буён ўтган давр ичида ҳинд халқи мустақил ривожланиш йўлидан бориб, мустамлакачиларнинг Ҳиндистонда 200 йил давом этган ҳукмронлиги қолдирган мусибатли меросни тугатишда, ўз мамлакатининг экономика ва маданиятини ривожлантиришда жиддий муваффақиятларга эришди.

Ҳинд халқи мамлакатни индустрлаштиришнинг икки беш йиллик планини муваффақиятли бажариб, ҳозир эса учинчи беш йиллик планни амалга оширмоқда.

Ҳинд халқи ўзининг тараққиёт сари интилишида улуғ Совет Иттифоқи халқларининг дўстона ёрдамини ҳамиша сезиб турибди. Кун сайин ривожланиб бораётган совет—ҳинд иқтисодий ҳамкорлиги Ҳиндистон саноатини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб қолди. Совет Иттифоқи дўстона ёрдами билан Ҳиндистонда бир неча саноат корхоналари қурилди ва қурилмоқда. Жумладан, ҳозир совет ёрдамида қурилган Бхиландаги қудратли металлургия комбинати муваффақиятли ишламоқда.

Совет Иттифоқи Ҳиндистонга фақат металлургия ва оғир машинасозликни ривожлантиришдагина эмас, балки саноатнинг бошқа муҳим тармоқлари — энергетика ва энергетика машинасозлиги, нефтни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда ҳам кўмаклашмоқда. Совет Иттифоқининг Ҳиндистон энергетикасини ривожлантириш учун кўрсатаётган ёрдами ҳинд дўстларимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Гап шундаки, Ҳиндистоннинг учинчи беш йиллик планида электростанциялар қувватини 2,2 марта ошириш кўзда тутилган. Ана шунга кўра Совет Иттифоқи бешта электростанция қурилишида иқтисодий ва техник ёрдам кўрсатади. Бу ва бошқа қурилишлар Ҳиндистон экономикасини ривожлантиришга, мамлакат қиёфасини ўзгартиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ҳинд халқи Совет Иттифоқи халқлари билан бўлган улуғ дўстликни қадрламоқда.

ЭЪЛОНЛАР ТОМОШАЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

15 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Мактаб ўқувчиси календари.**

Ўзбек тилида: 18.50 — **Телевизион янгиликлар.**

19.10 — **Қозоқ тилида эшиттириш.**

Ўзбек тилида: 19.25 — **Концерт** (халқ талантлари ижросида).

20.05 — **Эртаси куни программаси.**

Рус тилида: 20.10 — **Телевизион янгиликлар,** 20.30 — **Болгария социализм курмоқда,** 20.50—СССР халқ артисти **Н. Симонов** (Совет театри усталари» циклидан, 21.50 — **Баҳор совуқлари** номли бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 дан — **Олмаота телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 15/VIII да **Ватан ишқи,** 16/VIII да **Ишқинг билан.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Рус мўъжизаси, (1-серия, эрталаб соат 10 ва кеч 6 да), **Лўлиларнинг сўнгги чайласи** (кундуз ва кечқурун) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Рус мўъжизаси (2-серия) — «ИСКРА» (кеч соат 5 гача), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (1 ва 2-залда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Рус мўъжизаси (1 ва 2-залда) — «ИСКРА» (кеч соат 5 дан).

Ганг дарёси оқиқан мамлакатда (1 ва 2-серия) — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Патнисдаги каламуш—«МИР» (кундуз ва кечқурун).

Апур онласи (1 ва 2-серия)—«ВОСТОК» (катта залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Бензоколонка маликаси — «ВОСТОК» (кичик залда кундуз ва кечқурун).

Бутун инсоннят манфаатида — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 1 дан).

Оддий аскар Александр Матросов—«ЮЛДУЗ» (кеч соат 5, 7 ва 9 да).

ЕЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 9 ва 10-45 минутда)

Рус мўъжизаси (1-серия) — ТЕЛЬМАН номли.

Ганг дарёси оқиқан мамлакатда (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли, «ФЕСТИВАЛЬ», «ХЕВА».

Эртанги ташвиш — «ВАТАН», «РАКЕТА».

Сўнгги галла — «САЛЮТ», ПУШКИН номли.

Рим каникуллари — «УДАРНИК».

Севги йиллари — «1 МАЙ».

Хор табақа (1 ва 2-серия) — «ПОБЕДА».

Катталар ва болалар — «ШАРҚ».

Дугоналар — «МЕҲНАТ».

Яккама-якка — СТЕПАН РАЗИН номли.

КУЙЛАР, ҚУШИҚЛАР

Граммофонга ёзиш Тошкент студиясида бўлсангиз, ўзбек адабиётининг классиклари Навоий, Фурқат, Муқимий билан суҳбатлашгандай бўласиз... 1960 йилда ташкил топган бу студия қисқа вақт ичида 1500 дан ортиқ оддий ва 420 узоқ чаладиган пластинка тайёрлаб. Пластинка ёзиш вақти 85 соатдан ортди. Икки кварталда нашрга тайёрланган пластинкалар сони 3 мингга етди.

Студиянинг энг яхши ишларидан бири шуки, коллектив катта-катта асарларни пластинкага ёзиб олишга эришди. «Бой ила хизматчи», «Алишер Навоий», «Ҳамза», «Имон», «Ревизор», «Отелло» драмалари шулар жумласидандир. Шунингдек, «Тошболта ошиқ», «Зарафшон қизи» музикали драмалари ва «Майсаранинг иши» операси ёзиб олинди ва нашр қилинди. «Гулсара» операсининг биринчи варианти қайта тикланди.

Ўзбек халқ қуйлари, мақомлари ялла ва якка ашулалар Ўзбекистон ССР халқ артисти Юнус Ражабий ташаббуси билан уста санъаткорлар ижросида ёзиб олиниб, нашр қилишга топширилди.

Студия коллективи классик меросдан ташқари совет композиторларининг асарларини ҳам ёзиб олмоқда.

Студия коллективи шу кунларда Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон санъаткорлари ҳузурига ўз экспедицияларини юборибди. Бу қардош республика халқлари куйларини ёзиб олмоқда.

Р. ИСҲОҚОВ.

ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН

Қувасой шаҳридаги Фрунзе номли цемент комбинати партия, касаба союз ташкилоти ва дирекцияси ишчиларнинг болалари учун янги ўқув йилига яхши совға тайёрламоқдалар. Комбинат посёлкасида икки қаватли, кўркам мактаб биноси қурилиб фойдаланишга топширилиш арафасида турибди. Бу мактаб цемент комбинати ҳисобига қурилмоқда. Шунингдек, шаҳардаги Оржоникидзе номли ГРЭС, 73-автобаза ва 14-гишт заводи каби корхоналар қураётган 960 ўқувчига мўлжалланган 4 қаватли мактаб биносининг қурилиши жадал суръатлар билан бормоқда.

Ш. САИДУМАРОВ,
М. МАМЕДОВ.

ОҚ УЙДА КЕНГАШ

ВАШИНГТОН, 13 август. (ТАСС). Президент Кеннеди давлат секретари Дин Раск ва ҳукуматнинг бошқа юқори мансабдаги аъзолари билан ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома устида, Раскнинг Европадаги музокаралари, шунингдек «бошқа масалалар» устида кеча кечқурун бир соат давомида суҳбатлашди.

Самолётда Вашингтонга эндигина етиб келган президент Оқ уйга келганидан кейин бир неча минут ўтгач, гайри расмий кенгашга Раскни чақириб олди. Кейинчалик уларга давлат секретарининг ўринбосари Аверелл Гарриман ва Жорж Болл, шунингдек марказий разведка бошқармасининг директори Жон Маккоун ҳам қўшилди, деб хабар қиладн ЮПИ агентлиги.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ЛОНДОН, 13 август. (ТАСС). Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартномани бугун Лондонда Люксембург, Ироқ, Сурия, Ямайка, Ливан ва Никарагуанинг дипломатик вакиллари имзолади.

Шундай қилиб, Москва Шартномасига Лондонда шу кунгача 49 мамлакатнинг вакиллари қўл қўйди.

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДАН ХАБАРЛАР

ГДРДА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТУЗИЛДИ

БЕРЛИН, 13 август. (ТАСС). Партиялардан, оммавий жамоат ташкилотлар ва меҳнаткашларнинг йиғилишларидан тушган таклифларга мувофиқ ГДР Давлат кенгаши Халқ палатасига ва маҳаллий халқ вакилликларига сайлов ўтказувчи умумреспублика сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Немис ишчилар ҳаракатининг машҳур арбоби, фашизмга карши ширин кураш қатнашчиси Вернард Кенен комиссиянинг раиси қилиб тасдиқланди.

Э. Хонеккер, Ф. Эберт, А. Норден, К. Хагер, Г. Грюнеберг, Г. Миттаг, Г. Хоман, Г. Геттинг, Г. Риц, М. Герлах, Х. Шуман, Х. Браш ва бошқалар ҳам комиссия составига киритилди.

АРТУРО ИЛЬИА—АРГЕНТИНА ПРЕЗИДЕНТИ

НЬЮ-ЙОРК, 13 август. (ТАСС). ЮПИ агентлиги Буэнос-Айреслан хабар беради: Аргентинанинг миллий конгресси ўзининг 12 августда бўлган махсус мажлисида Артуро Ильиани мамлакатнинг президенти қилиб тасдиқлади.

Ана шу мажлисда Эдуардо Гамонд сенат раиси қилиб. Артуро Мор Роиг депутатлар палатасининг раиси қилиб сайланди.

ЯНА БИР ИФЛОС УРИНИШ БАРБОД БЎЛДИ

АФИНА, 13 август. (ТАСС). Кеча Грециянинг ўнг доиралари Афинанинг марказида демократик кучларга қарши митинг ва намойиш ўтказишга уриниб кўрдилар. Франс Пресс агентлигининг, Манолис Глезос автоном Македония давлати тузиш керак, деган гапни айтди, деб тарқатган қалбаки хабарини баҳона қилиб чақирилган бу митинг ва намойиш шармандаларча муваффақиятсизликка учради. Маълумки, бу хабарни М. Глезос рад қилган эди. Франс Пресс агентлигининг ўзи ҳам шу хабарда келтирилган гапнинг тўғримаси ноаниқ бўлганлигини баҳона қилиб, ҳақиқатда бу хабардан воз кечган эди.

Ўнглар матбуоти «митинг» ва «намойиш» бўлади деб бир ҳафтадан кўпроқ жар солди. «Авги» газетасининг хабар беришича, буни тайёрлаш учун катта маблағ сарфланган. Кеча жарчилар кўчада ўтиб бораётган одамларни қўлларидан ушлаб, митингга олиб келишга уриндилар, митинг ташкилотчилари эса грекларни радио орқали шу йиғинга келишга чақира бериб овозларни бўғилиб колди. Шунга қарамай, митингга фақат запасдаги офицерлардан бир қанчасини, шунингдек янги фашист бақироқларни тўплашгагина муваффақ бўлдилар.

Афинадаги кабарелардан бирининг хўжайини, «Мурда» лақаби билан кўпроқ танилган Ризас бошчилигидаги бир группа муттаҳамлар митинг муваффақиятсиз бўлиб чиққанидан кейин Афина кўчаларида полиция ҳимояси остида намойиш ўтказишга уриндилар. Кўчада ўтиб бораётганлар, деб ёзади «Авги», намойишчилардан нафратланиб, юз ўгира бердилар ёки «намойишчиларни» масҳара қилиб, кулдилар. Фашист муттаҳамлар ўзларига тарафдор топа олмаганларидан кейин тарқалиб кетишга мажбур бўлдилар.

СКОПЛЕДА ЯНА ЕР ҚИМИРЛАДИ

БЕЛГРАД, 14 август. (ТАСС). Скопледаги сейсмик станция 12 август маҳаллий вақт билан эрталаб соат 9 дан 13 август эрталаб соат 8-30 минутга қадар яна 7 марта ер қимирлаганини қайд қилди, деб хабар беради ТАНЮГ агентлиги. Шу йил 26 июлдаги зилзила вақтида шикастланган баъзи уйлар бу ер қимирлаш натижасида вайрон бўлди.

26 июлдан бери жами 302 марта ер қимирлагани қайд қилинди. Ҳамма ер қимирлашларнинг эпицентри бир жойда.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

⊙ Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Болгария Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, республикада илмий техника ахбороти бўйича марказий институт ташкил қилинди. Институтда социалистик мамлакатлардан ва 50 дан ортиқ капиталистик мамлакатлардан олинган илмий техника адабиёти ишлаб чиқилади.

⊙ Огори (Ямагути префектураси) шаҳрида Япониядаги хусусий темир йўллар ишчилари касаба союзлари умумий федерациясининг 17-съезди ўз ишини тамомлади. Съезд қарорига биноан, темир йўлчилар шу йилнинг октябрь—декабрь ойларида иш ҳақини ошириш ва иш ҳақининг гарантиялаган минимумини жорий қилиш учун, иш вақтини қисқартириш учун ва бошқа талабларни амалга ошириш учун кенг курашни авж олдириб юборадилар.

⊙ Кипр Республикаси статистика бюросининг хабарига кўра, оролнинг аҳолиси 1963 йил июнь ойида 589 минг кишини ташкил этган.

⊙ АҚШда иккинчи жаҳон урушидан кейин энг йирик «Сфинт страйк III» ҳарбий маневрлари бўлмоқда. Тўртинчи ҳафта давом этаётган ана шу маневрларда 11 ҳарбий-хизматчи ҳалок бўлди.

⊙ Франциянинг «Эр интер» компаниясига қарашли пассажир самолёти Лионга яқин жойда ерга йиқилиб парчаланди. 16 киши ҳалок бўлди ва 3 киши жароҳатланди. Қурбон бўлган кишилар орасида самолёт қўниш олдидан йиқилиб тушган уйлардан бирида яшовчилар ҳам бор.

⊙ Туркиянинг Қора денгиз бўйидаги Гиресун вилоятидаги баланд ясси тоғда дастлабки қор ёғди. Вилоятда бир неча кун давомида бўлган иссиқ кунлар салқин об-ҳаво билан алмашинди. (ТАСС).

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА
(ёзги бино)
15 августда

катта эстрада КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Карим Зокиров,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Кундуз Миркаримова, Учкун Ғаниев,** Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист **Кенжа Матназаров,** Радиокомитет солисти **Алижон Ҳасанов,** эстрада солистларидан **Зайтуна Тожибоева, Маллоҳат Дадабоева, Тухон Қодирова, Нарзулла Ёқубов, Нонла Раҳимова** ва бошқалар қатнашади.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Пўлат Раҳимов** раҳбарлигида ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли жўр бўлади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 3 дан очилади.

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРГА
сахна ишчилари, театр билетлари тарқатувчи вакиллар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси, 2-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

ИСНОД!

ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ХАТИ

Ҳурматли редакция! Биз Новосибирск шаҳрида шонли Қуролли Кучлар сафида хизмат қилмоқдамиз. Қисмимиздаги мамлакатимизнинг турли жойларидан келган кўп миллатли кишилар қатори ўзбек йигитлари ҳам она-Ватан, совет халқи олдидаги бурчини шараф билан адо этмоқда. Шуниси қувончлики, ўзбек йигитларининг меҳнатсеверлиги, интизомлилиги, ҳар қандай қийин шароитга бардош бериши, топширилган вазифани ўз вақтида бажаришга интилиши ҳамиша командирларимизнинг мақтовига сабаб бўлади. Ўзбек йигитлари ўзларининг ибратли ишлари билан дўстларнинг «Ўзбеклар — меҳнаткаш халқ» деган баҳосига сазовор бўлмоқда. Чимкентлик Абдуваҳобов, поплик Омонов, олтиариқлик Қурбонов сингари ажойиб жангчилар билан қисмимиз ҳақли суратда фахрланмоқда. Улар жанговар тайёргарлик ва ҳарбий техникани ўрганишда қисмимизнинг илғорлари ҳисобланадилар.

Аммо биз, афсуски, бу ҳақда эмас, кишини ранжитадиган, дилни сиёҳ қиладиган, меҳнаткаш ўзбек халқининг шаънига иснод келтираётган, шаҳарма-шаҳар изғиб чайқовчилик қилиб юрган баъзи кишилар тўғрисида ёзмоқчимиз. Уларнинг беҳаёларча инсофсизларча қилаётган ишлари бизларни ғазаблантирмоқда.

Мабодо Новосибирск марказий бозорига йўлингиз тушиб қолса, у ерда Ўзбекистондан келган чайқовчига дуч келасиз. Уларнинг афтангорига қарасангиз, туппа-тузук одамга ўхшайди. Ишлайман деса, тоғни талқон қиладиган кучи бор. Уларнинг кўпчилиги ёшлар. Ахир, бизнинг ёшларимиз бу йўлдан юрмасликлари керак-ку. Чайқовчиларнинг кўпчилиги Самарқанд, Андижон, Наманган ва Тошкент шаҳарларидан келганлар.

Биз гарчи Ўзбекистондан узоқда, Совет Армияси сафида хизмат қилаётган бўлсак ҳам, республикамиз пахтакорларининг мўл пахта ҳосили учун ҳормай-толмай курашаётганини, уларнинг бу йил мамлакатга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилаётганини доимо кузатиб турибмиз ва руҳланяпмиз.

Бироқ, халқимизнинг олижаноб курашига ҳисса қўшишдан қочиб, бунинг ўрнига енгил-елпи ҳаёт кечириш йўлига кирган, шу мақсадда у шаҳардан бу шаҳарга мева, сабзавот келтириб, энг юқори баҳо қўйиб сотаётган айрим чайқовчилар элнинг нафратига дучор қилиниши керак.

Яқиндан буён Новосибирскда чиқадиган «Советская Сибирь» ва «Молодость Сибири» газеталарида Ўзбекистондан келган чайқовчиларни фош этадиган фельетон ва танқидий материаллар босилиб чиқмоқда. Масалан, «Советская Сибирь» газетасида «Қодирбек кооп-торгга тахсин ўқимоқда» сарлавҳали фельетон босилди. Унда Ўзбекистондан олма, узум, помидор келтириб сотаётган чайқовчилар фош қилинади. Шунингдек, «Молодость Сибири» газетасининг шу йил 4 август сонида Новосибирск бозоридан рейд материал босиб чиқарилди. Унда қиздагина Андижон Давлат медицина институтини тамомлаб, амалий ишга йўлланма олган Мамед Холиқов ва Полвон Абдухалилов бир неча ҳафтадан бери Новосибирск бозорида помидор сотаётганлиги кўрсатилади. Милиция органларининг аниқлашича, уларнинг номига почта орқали ҳар куни неча-неча посилка келиб турибди. Бу посилкаларда помидор, олма борлиги аниқланди. Шунингдек, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тугатган Содиқ Шамсимуҳамедов ҳам шериклиларидан қолишмай, «помидорнинг килосини 3 сўм қилиб қўйдим, кеб қолинг» деб бозорда бакириб-чақириб ўтирибди.

Тўғри, Новосибирскда чайқовчилар фош қилиняпти, бироқ уларни қаттиқроқ жазолаш имконияти бўлмаяпти. Чунки бу ердагиларни ноқулай аҳволга солаётган бир «лекин»и бор. Чайқовчиларнинг деярли ҳаммасининг қўлида тегишли ташкилотларнинг справкаси бор. Унда мазкурнинг «томорқаси бор»лиги. Новосибирск бозорига олиб бориб сотаётган тонна-тонна помидор, олма, узум ўзининг «томорқасида ўстирилган»ига гувоҳлик берилади. Ахир, айрим район ижроия комитетларининг, қишлоқ Советларининг бундай справкаси бўлгандан кейин, улар ҳаволанмай ким ҳаволансин.

Хўп, чайқовчилар-ку жазосини тортади. Бу чайқовчиларга справка берган кишилар, кўра била туриб ўнлаб посилкаларни бирданига қабул қилаётган алоқа бўлимлари, самолёт, поездларда дориломон бориб-келиб юрган чайқовчиларни кўрса ҳам кўрмаётганга солаётган милиция ходимлари ҳақида нима дейиш мумкин.

Чайқовчиликка, куппа-кундуз куни меҳнаткашни шилиб оладиган бу муттаҳамларга қарши қатъий кураш-иш, уларнинг томирига болта уриш керак.

Бир группа ўзбек жангчилари номидан:
Омон САИДАЗИМОВ.

ДИПЛОМЛИ САВДОГАРЛАР

Шу ерда, марказий бозорда биз савдогар аҳлининг яна бир бошқа «нусхаси» билан танишдик. Мамед Холиқов билан Полвон Абдухалилов Андижон Давлат медицина институтини яқиндагина тамомлаб, ишга йўлланма олишган. Бироқ, бу йигитлар оқ халат ўрнига бўйниларига фартук осиб, помидор сотиб ўтиришибди. Содиқ Шамсимуҳамедов Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тамомлади, бироқ, у каналлар қуриш ва чўлларни суғориш учун отланиш ўрнига, ҳамёнини тўлдириш учун Холиқов билан Абдухалилов сингари Новосибирскка жўнади. Эҳ, аттанг, улар ўз ҳаёт йўлларини бозордан бошлаб, юлғичлик йўлига кириб, ёш мутахассис деган шарафли номга иснод келтирганликларини озгина бўлса ҳам хаёлларига келтирмабдилар-да.

«МОЛОДОСТЬ СИБИРИ» ГАЗЕТАСИДАН.

РЕДАКЦИЯДАН:

Совет Армияси сафида хизмат қилаётган бир группа жангчиларнинг бу ҳати бутун жамоатчиликни ғазаблантиради. Фойдахўрлик билан енгил-елпи кун кўришга одатланиб қолган текинхўрлар умумхалқ ишидан ўзларини четга олиб, халқимизнинг ҳалол меҳнати билан етиштирилган мева-чеваларни арзон нархга сотиб олиб, турли шаҳарларда қиммат баҳода пулламоқдалар.

Бундай олибсотарлар фақат Новосибирск шаҳридагина деб ўйлайсизми? Бундай чайқовчилар Сибирь, Қозоғистон, Узоқ Шарқдаги шаҳарларда ҳам изғиб юришибди. Наҳотки, уларни қаттиқ тийиб қўйиш мумкин бўлмаса?

Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш министрлиги ва унинг жойлардаги органлари фойдали меҳнат билан шуғулланмай, турли шаҳарларга мева ва сабзавот олиб бориб сотаётган текинхўрларни тийиб қўйишга жамоатчилик билан биргаликда қаттиқ бел боғлаши лозим.

Ўйлаймизки, Андижон Давлат медицина институти ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ходимлари жангчиларнинг хатидан тегишли хулоса чиқариб оладилар.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256 30257, 30258. Редакция телефонлари: Секретариат — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 11041. Индекс 64543. Нашр. № 189.